201_ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2019-yil 22-may, chorshanba * № 11 (1125) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www uzhurriyat.uz

## ЮКСАК ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ



**Беш ташаббус ижроси самарасида шаҳардан қолишмайдиган, бундай обод маҳаллаларда яшаш, меҳнат қилиш инсон учун улкан имкониятдир.**

⇨ 2-бет

## ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ КАСБ ЭТИКАСИ КОДЕКСИ

**Ҳурматли журналистлар, азиз ҳамкасблар!**

**Сизларнинг муҳокамангизга Ўзбекистон Журналистларининг касб этикаси кодекси лойиҳасини тақдим этяпмиз.**

⇨ 4-бет

## “ВАТАНДАН АЙРИ КЎНГИЛНИ, БИЛИНГКИ, ЯЙРАТИБ БЎЛМАС”



Ёхуд муҳожиротдаги ўзбеклар ҳаётидан лавҳа

**Халқимиз учун ўз юртида тўғри юриб, тўғри яшашга имкон қолмагач, исломий аҳком асосида тарбия олган Абдулҳамид Кўчар 1930 йилда бувиси, аммаси ва унинг тўрт яшар қизчаси билан ҳижратга чиқиб кетади.**

⇨ 8-бет

## Ҳафта воқеалари

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини 14 май куни имзолади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини 14 май куни тасдиқлади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини 15 май куни тасдиқлади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май куни “Ўзбекистон нефть ва гази” халқаро кўргазмаси тадбирларида иштирок этиш мақсадида юртимизга келган “Лукойл” компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май куни Россиянинг атом энергияси бўйича “Росатом” давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачевни қабул қилди.

✓ Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 16-17 май кунлари Андижон вилоятида бўлди. Вилоят ҳокимлигида Президент раислигида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари ушбу ташрифи доирасида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хиёбони ва ижод мактабига ҳам ташриф буюрди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 май куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Халқаро валюта жамғармаси бошқаруви директори Кристин Лагардни қабул қилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони 18 май куни қабул қилинди.

✓ Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 20 май куни Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди. Юртбошимиз томонидан берилган топшириқларга мувофиқ, Тошкент шаҳрида амалга ошириш учун умумий қиймати 617 миллион АҚШ долларидан зиёд 19 та янги инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди.

✓ Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 2 апрелда қабул қилинган, Олий Мажлис Сенати томонидан 2019 йил 3 майда маъқулланган “Яйловлар тўғрисида”ги қонунини 21 май куни тасдиқлади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май куни “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонга имзо чекди.

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

» Муносабат




## Бахшичилик санъати: уни янада ривожлантиришга оид тарихий қарор

Бахшичилик халқ оғзаки ижодининг ёрқин намунаси. Унда ҳар бир халқнинг ўтмиши, руҳияти, менталитети, қадриятлари, урф-одат ва анъаналари акс этади. Шу боис ушбу ноёб санъат мавжуд бўлган барча элларда у номоддий маданий мерос сифатида муҳофаза қилинади, юксак қадрланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам ўзбек миллий бахшичилик ва достончилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва эътибор туйғуларини кучайтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2 →

» Эъзоз

Кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти, “Меҳнат шуҳрати”, “Буюк хизматлари учун” орденлари соҳиби, атоқли адабиётшунос олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган адабий-бадиий хотира кечаси ўтказилди.

## Адабиётдан гўзаллик излаган мунаққид

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда жамоатчилик вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олий ўқув юртлари талабалари, олимнинг оила аъзолари, шогирдлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

— Бугун мамлакатимизда китобхонликка, адабиётга кўрсатилаётган улкан эътибор намунасини улуғ адибларимизга, адабиётимизнинг йирик намоёндаларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига бўлган муносабатда ҳам яққол кўриш мумкин, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. — Озод аканинг меҳрига сазовор бўлган шогирди сифатида у кишининг мутолаага, китобхонликка муносабати бизни ҳамиша ҳайратга солган. Дунёда ёт ғоялар таҳдиди кучайган ҳозирги пайтда Озод Шарафиддиновнинг китобга, адабиётга бўлган улкан муҳаббати ёшларга, ҳаммамизга катта мактабдир.

Адабий кечада Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, адабиётшунос Иброҳим Ғафуров, таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев олимнинг ўзбек адабиётига қўшган ҳиссаси, чет эл адабиётидан ўзбек тилига ўгирган сара асарлари, инсоний фазилатлари ҳақидаги хотираларини сўзлаб бердилар.

Йиғилганлар эътиборига Озод Шарафиддиновнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган “Замон оша замондош” ҳужжатли фильми ҳамда санъат усталарининг концерти намойиш этилди.

Шу куни Озод Шарафиддинов яшаган уйга ўрнатилган ёдгорлик лавҳаси очилди.

7 →

» Бизнинг суҳбат

## Пўлат БОБОЖОНОВ: Одамлар тинч-хотиржам яшаши учун ҳаракат қиляпмиз



Тинчлик ва осойишталикни сақлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Айниқса, бугунгидек дунё таҳликалар ичра қалқиб турган, сиёсий низолар, ахборот, халқаро терроризм ва экстремизм хуружлари авж олган бир даврда ички ишлар органларининг масъулияти янада ошади. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган 2017 йилдан эътиборан барча соҳалар фаолияти тубдан ислоҳ қилиниб, “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоя ҳаётимизнинг бош — мезонига айланди.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат БОБОЖОНОВ билан “Hurriyat” газетаси Бош муҳаррирининг суҳбати ИИВ ва тизимларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёни хусусида кечди.

**— Пўлат Раззоқович, бугун барча соҳаларда бўлгани каби, ички ишлар органлари тизимида ҳам ислоҳотлар жараёни давом этмоқда. Мамлакат тинчлиги, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш вазифалари ижросини юқори босқичга кўтариш борасида кейинги йилларда қандай ишлар амалга оширилди?**

— Жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида 2017 йилдан буён 90 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат, 18 та идоралараро қўшма қарор ҳамда 122 та идоравий ҳужжат қабул қилинди.

Ислоҳотлар жараёнида замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни, бажарилаётган ишлар муҳимлиги ва кўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функциялари аниқ белгиланди ҳамда тақсимланди, ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш, куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш чоралари кўрилди. Бунда асосий эътибор ички ишлар органларини аҳолига яқинлаштиришга қаратилди. Шу мақсадда Вазирлик ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари аппарати шахсий таркиби 70 фоизга қисқартирилди. Бунинг ҳисобига қуйи тизимдаги ички ишлар органлари ходимлари тўрт бароборга кўпайтирилди.

Аҳолига қулайлик яратишни кўзлаб ҳудудий ички ишлар бўлимлари ташкил этилди. Илгари шаҳар шароитида битта ички ишлар бўлимига 50-60 та маҳалланинг ҳудуди тўғри келган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони ўртача 5-6 тани ташкил этмоқда. Бу эса ўз самарасини бериб, фуқаролар билан яқиндан мулоқот қилиниб, уларнинг муаммолари қисқа вақт ичида ҳал этилмоқда, аксар жиноятлар “иссиқ изидан” фош этиляпти.

Президентимиз олдимизга қўйган вазифадан келиб чиқиб жиноятчиликни ва ҳуқуқбузарликларнинг эрта олдини олиш чораларини кўряпмиз. Бу борада асосий масъулият профилактика инспекторлари зиммасига тушгани учун улар хизмат функциясига кирмайдиган ишлардан озод этилмоқда. Профилактика инспекторларига ўзи ишлайдиган ҳудуддан хизмат уйи ажратилмоқда. Бу кечаю кундуз ўзига бириктирилган маҳалладаги криминоген вазиятдан хабардор бўлади дегани.

Марказий ва ўрта бўғиннинг штат бирликлари қисқартирилиб, профилактика инспекторлари сони 22 фоизга кўпайтирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 3 августдаги қарорига мувофиқ, профилактика инспекторларининг *7024* нафари имтиёзли кредит асосида автомашиналар билан таъминланди. Бугунги кунда улар ҳеч бир қийинчиликсиз фуқаролар мурожаатлари юзасидан *манзилларга тезкорлик билан етиб бориб, кўтарилган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишмоқда.*

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев профилактика инспекторлари келгусида ўз хизмат фаолиятини **“Ички ишлар органларининг маҳалладаги вакили эмас, балки маҳалланинг ички ишлар органларидаги вакили сифатида олиб бориши ва ўз ҳисоботларини ана шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда тақдим этиши лозим”** деган эдилар. Ана шу талабдан келиб чиқиб ҳозирги пайтда профилактика инспекторлари фуқаролар йиғини кенгаши таркибига киритилди. Ҳар ойда йиғин томонидан уларнинг ҳисоботини эшитиш тизими йўлга қўйилди. Бу ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

3 →

» Сафар

## “Борса келмас” сафари

### Ёки Устюрт супасидаги синоатлар



Бир гуруҳ ёзувчи ва журналистларнинг Қорақалпоғистонга бораётгани ҳақида эшитиб қолдим. Кейинги пайтда Мўйноқдан узоқларга “қочиб” кетган Орол денгизининг қуриб қолган “кўкраги”дан билакдек сув отилиб чиққани ҳақида хушхабар тарқади.

5 →

» Дунё сиёсати

## Зеленский Украина Олий Радасини тарқатиб юборади



Украина президенти Владимир Зеленскийнинг инагурациясидаги илк нутқи 20 дақиқа давом этган. Собиқ комик актёр ўз чиқишини 6 ёшли ўғлининг президентлик ҳақидаги гапиларини эслаш билан бошлаб, якунда узининг президентлик муддатини украинлар ҳеч қачон йиғламаслиги учун бағишлашга ваъда берган. Зелинский мамлакат Олий Радасини тарқатиб юборишини ҳамда ҳукуматни алмаштириш ниятида эканлигини яширмади. “Ҳукумат бизнинг муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди. Ҳукуматнинг ўзи муаммо” деди нотиқ.

6 →

**Миллий матбуот марказида**

Мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар, халқимиз турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланаётган жамоа шартномаларининг ижтимоий таркибини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Касаба уюшмалари федерацияси:

# Ўзаро манфаатдорлик омили

Шу мавзуда ўтган матбуот анжуманида, айниқса, нодавлат секторда бу борада амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда жамоа шартномаси орқали ходимларнинг тўла бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, кадрларни тайёрлаш, меҳнат хавфсизлиги даражасини ошириш, иш ўринларида санитария-гигенияга оид вазиятни яхшилаш, зарарли меҳнат шароити учун ходимларга имтиёз ва компенсациялар бериш каби масалалар изчиллик билан ҳал этилмоқда.

— Касаба уюшмалари федерацияси томонидан нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларни касаба уюшмаларига жалб этиш ва уларда жамоа шартномаларини тузиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида, 2018 йил давомида 7 минг нафар ёш болали аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раисининг ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев. — Ушбу мақсадларга корхоналар ҳисобидан бир миллиард 682 миллион сўм сарфланди. Ёш болали ишловчи аёллардан 126 минг 441 нафарига икки ёшга тўлмаган фарзандини овқатлантириш учун ҳақ тўланадиган танаффуслар бериш тизими жорий этилди. Шунингдек, 67 минг 821 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан соғломлаштирилиб, мазкур мақсадлар учун 48,9 миллиард сўм йўналтирилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаги амалдаги жамоа шартномаларининг деярли барчасига иш берувчи ташаббусига биноан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинса, аввал касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олиш лозимлигига доир банд киритилган.

---

Хорижий инвесторлар Ўзбекистон чармининг ғоят сифатли эканлигини алоҳида таъкидлашади. Шу боис "Ўзчармсаноат" уюшмаси корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар 2017 йили 11 давлатга экспорт қилинган бўлса, 2019 йилда уларнинг сони йигирмадан ошди.

# Тери чиқиндига ташланмайди

Экспортбоп маҳсулотлар тури ва хилларини кўпайтириш, соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш борасида белгиланган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди.

Яратилаётган имтиёзлар ва қулай инвестицион муҳит самарасида уюшма Хитой, Италия, Франция, Туркия, Россия, Ҳиндистон, Беларусь каби мамлакатларнинг салоҳиятли инвесторлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга эришди. Жорий йилга мўлжалланган 120 инвестицион лойиҳага биноан 73 янги корхона барпо этилади ва фаолият юритаётган корхоналарнинг 47 тасида модернизация ишлари якунланади.

"Ўзчармсаноат" уюшмаси Президентимизнинг 2018 йил 3 майдаги "Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган. Унинг таркибида 507 ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд. Тизимда 29 замонавий қушхона фаолият юритмоқда. Шунга қарамай, тизим корхоналарида зарур хомашё — тери танқислиги мавжуд. Аҳоли эса рўзғоридан чиққан терини қаерга, кимга ва қандай топширишни билмайди. Натижада, минглаб, миллионлаб, қўй ва мол терисининг "ҳузурини" чиқитхоналар кўрмоқда. Бу муаммони ҳал қилишнинг чораси борми?

— Тўғри, — деб жавоб берди "Hurriyat" мухбирининг мазкур саволига "Ўзчармсаноат" уюшмаси раиси ўринбосари Мирсаид Зоҳидов. — Аҳоли уй-рўзғоридан чиқаётган 90 фоиз тери алал-оқибатда чиқиндихоналарга ташланмоқда. Муаммонинг олдини олиш мақсадида, йирик қишлоқлар ва туманларда қушхоналар очишни режалаштиряпмиз. Бунда асосий эътибор аҳолидан тери қабул қилишга ҳам қаратилади.

**Наргиза БОБОМУРОДОВА,**
**"Hurriyat" мухбири.**

---

## Бахшичилик санъати:

# уни янада ривожлантиришга оид тарихий қарор

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 14 майда қабул қилинган "Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда халқимиз маданиятининг ҳаётбахш сарчашмаси бўлган бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, унинг миллий маданиятимиз ва санъатимиздаги ўрни ва аҳамиятини янада юксалтириш, ёш авлодни миллий ўзликни англаш, Ватанга садоқат, тарихий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида, тижорат воситасига айланган "оммавий маданият", шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган шароитда фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш сусайиб бораётгани, кўп жойларда унутилиб, ҳимоя ва муҳофазага муҳтож бўлиб қолган пайтда мазкур қарор қанчалик долзарб аҳамиятга эга эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Шуни таъкидлаш лозимки, халқимизнинг миллий ўзлигини, қадимий тарихи ва тилини, ҳаёт тарзи, анъана ва урф-одатларини ўзида мужассам этадиган, умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида тан олинган бахшичилик санъати атоқли бахши-шоирларимиз, фольклоршунос олимларимизнинг фидойи меҳнати, ижодий тафаккури билан асрлардан-асрларга ўтиб келмоқда.

Дарҳақиқат, халқ оғзаки ижоди — халқнинг маънавий хазинаси. Бу бойликни асраб-авайлаш, ривожлантириш авлодлар бурчи. Бунинг учун, энг аввало, санъатга, адабиётга замин бўлган халқимизнинг қадим мифологик тасаввурларини, бахшичилик санъатини яхши ўрганиш, тадқиқ этиш лозим. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан миллий қадриятларимизни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодларга асл ҳолида етказишга юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2018 йилда Термиз шаҳрида ташкил этилган "Бахшилар мактаби" бахшичилик санъати анъаналарини ўрганиш ва давом эттириш, истеъдодли ёшларни кашф қилиш ҳамда тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чунончи, илк марта Юртбошимиз ташаббуси билан жамоатчиликни ўзбек бахшичилигининг бетакрор намуналари билан таништириш, ёшлар орасида миллий фольклорга бўлган қизиқишни ошириш, қардош халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ижодий алоқалар ва маданий ҳамкорлик доирасини халқаро кўламда кенгайтириш мақсадида Термиз шаҳрида жорий йилнинг 5-10 апрель кунлари Халқаро бахшичилик санъати фестивали бўлиб ўтди.

Асосий байрам тадбирлари ўтган 32 гектардан иборат майдонда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг рамзий қўрғонлари бунёд этилди. У ерда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ҳаёт тарзи, халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати, майдон томошалари, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини ифода қилувчи кўргазмалар ташкил этилди.

Юртимизда биринчи бор ўтказилган ушбу санъат байрамида дунёнинг 74 давлатидан 160 дан зиёд вакиллар қатнашди. Уларнинг орасида атоқли маданият арбоблари, фольклор санъати намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари борлиги халқаро бахшичилик санъати фестивалига халқаро жамоатчиликнинг қанчалик юқори эътибор қаратганлигидан далолатдир. Бу борада давлатимиз раҳбари шундай дедилар: *"Биз халқ ижодиётини, турли ўлкаларда бахши, жиров, оқин, манасчи, шоир, ошиқ каби номлар билан аталадиган, ўз тимсолида ҳам шоирлик, ҳам созандалик, ҳам хонандалик маҳоратини мужассам этадиган инсонларнинг нодир истеъдодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур... Халқаро бахшичилик санъати фестивали айни шундай улкан ва муҳим мақсадга қаратилганини алоҳида таъкидламоқчиман".*

Албатта, Юртбошимиз ташаббуси билан бахшичилик санъатини кенг тарғиб қилиш, рағбатлантириш мақсадида Халқаро бахшичилик санъати фестивали ташкил этилгани улкан тарихий воқеа бўлди. Бахши ва оқинларимизга ўзлигини, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун кенг майдон яратилди. Халқимизнинг асрий орзулари, истак-хоҳишлари рўёбга чиқди. Халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилиши халқимизнинг қадимий санъатини асраб-авайлаш, ўрганиш, тарғиб қилиш, ривожлантириш ҳамда моҳир ижрочиларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Олимларнинг таъкидлашича, юртимизда достон куйлаш анъанаси қадимда уч йўналишда ривожланган. Биринчи йўналиш — Булунғур, Нарпай, Нурота, Қўрғон, Шаҳрисабз, Қамай, Шеробод, Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақай достончилик мактабларида дўмбира чертиб якка ҳолда, бўғиз овоз билан ижро этилган. Иккинчи йўналиш — Хоразмда тор, дутор, ғижжак, гармон, буламон, қўшнай, доира жўрлигида баъзан якка, баъзан жуфт ҳолда, очиқ овоз билан куйланган. Учинчи йўналиш — Фарғона водийсида дутор жўрлигида очиқ овозда айтилган.

"Алпомиш", "Гўрўғли", "Кунтуғмиш", "Рустамхон", "Муродхон", "Мисқол пари", "Ҳасанхон", "Ёдгор", "Юсуф билан Аҳмад", "Авазхон", "Қиронхон", "Равшан", "Интизор", "Ширин билан Шакар", "Эрали", "Ойсулув" каби достонларни бахшилар мароқ билан айтиб келган. Биргина "Алпомиш" достони ҳақида тўхталганда шуни таъкидлаш лозимки, 1999 йилда Термизда ЮНЕСКО шафелигида "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси "Алпомиш" достонининг яратилиши ҳам узоқ ўтмиш билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу достонда, гарчи маълум бир ҳудуд одамлари, уларнинг тарихи, маданияти, миллий урф-одат ва анъаналари ҳақида ҳикоя қилинса-да, у умуминсоний қадриятларни ҳам ўзида ифодалаган юксак ижод маҳсулидир. "Алпомиш" достони давр ва замонлар синовидан ўтиб, кишиларга юксак руҳий мадад, маънавий озуқа бахш этиб келяпти.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, "Алпомиш" достонининг қирққа яқин варианти мавжуд. У турли ҳудудларда ўзига хос талқин этилади. Бинобарин, ушбу достон халқ оғзаки поэтик ижодининг ёрқин намунасидир. Унда ватанпарварлик, халқпарварлик, соф инсоний фазилатлар, покиза муҳаббат туйғулари зўр маҳорат билан куйланган. "Алпомиш" достони 1939 йили таниқли шоир Ҳамид Олимжон томонидан Фозил Йўлдошдан ёзиб олиниб, қоғозга туширилган. Кейинчалик фольклоршунослар бу достоннинг турли муқобил версияларини ҳам бахшилар тилидан ёзиб олишган. Кейинги йилларда "Алпомиш" достонининг бир неча янги вариантлари китоб ҳолида чоп этилди. Кўп томлик "Қорақалпоқ фольклори" тўпламлари чоп этилди, 100 томлик "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" мажмуаси нашр этилмоқда. Бахши-шоирлар томонидан ижро этилаётган асарларни ёзиб олиш, уларни илмий ўрганиш ишлари изчил давом этмоқда.

Дарҳақиқат, бу борадаги ишларимизни янада кучайтириш борасида "Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор билан Республика Бахшичилик санъати маркази ҳамда унинг ҳузурида юридик шахс мақомига эга Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади.

Республика Бахшичилик санъати марказига бахшичилик санъатининг илмий-назарий ва амалий асосларини чуқур ўрганиш ва мустаҳкамлаш; соҳада шаклланган ижодий мактабларнинг ўзига хос ижро услублари, "Устоз — шогирд" анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш; бахши-шоирлар, фольклоршунос олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг ижодий ва илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш; маданият марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ва бошқа таълим муассасалари қошида бахшичилик санъати тўгаракларини ташкил этиш; бахши-шоирлар ижодига кенг йўл очиб бериш, оммавий байрамлар ва маданий тадбирларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш; бахшичилик санъатининг сара намуналарини тўплаш ва фондини яратиш, уларнинг аудио ва видео вариантларини кўпайтириш, бу соҳани юртимизда ва дунёда кенг тарғиб этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш; бахшичилик санъати йўналишида халқаро ҳамкорликни кучайтириш, бу борада ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш, жумладан, турли халқаро анжуманлар ва танловлар, концертлар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш асосий вазифалар этиб белгилаб берилди.

Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармасига молиявий ва ташкилий йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш асосида бахшичилик санъатини янада ривожлантиришга кўмаклашиш; мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бахши-шоир, оқин ва жировларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; Маданият вазирлиги тизимидаги муассасаларни бахшичилик санъатига оид зарур адабиётлар, ўқув қўлланмалари ва даврий нашрлар билан таъминлаш; маданият ва санъат муассасалари қошидаги бахшичилик тўгаракларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур чолғулар ва жиҳозлар билан таъминлаш; бахшичилик санъати билан боғлиқ илмий тадқиқотлар, нашр ишлари ҳамда комплекс илмий экспедицияларни молиялаштириш; бахшичилик санъатига доир ҳомийликни ривожлантириш, соҳага хорижий сармоя ва грантларни жалб этиш; қонунчиликда белгиланган манбалардан тушадиган маблағларни жамғариш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш асосий вазифалар этиб белгиланди.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мазкур қарор билан Термиз шаҳридаги бахшичилик мактаби негизида бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган Республика мактаб-интернати ташкил этилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бахшичилик санъати ривожи учун зарур мусиқа чолғулари (дўмбира, сибизға, чанқовуз, қўшнай, ғажирнай, бўламон, қўбиз кабилар) ишлаб чиқарадиган усталар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, устахоналар учун жой ажратиш, махсус ёғоч ва металл маҳсулотлари билан таъминлаш чоралари белгиланди. Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан биргаликда бахши-шоир, жиров ва оқинлар томонидан ижро этиладиган асарлар куйларини нstationлаштириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси билан биргаликда ўзбек халқининг кўҳна ва бетакрор санъати намунаси бўлган бахшичилик санъатини ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида бахшичилик санъати давлат ансамбллари, ушбу санъат тури ривожланган бошқа ҳудудларда эса вилоят ансамбллари шунингдек, тегишли ҳудудларда болалар мусиқа ва санъат мактаблари қошида бахшичилик санъати синфлари ташкил этилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур тарихий қарор юртимизда ноёб маданий меросимизни ўрганиш, унинг бебаҳо анъаналарини тарғиб қилиш ва ривожлантиришга кенг шароит яратиш баробарида, ушбу битмас-туганмас, ноёб ва мангу маданий мерос намуналари авлодлардан-авлодларга ўтиб, янада сайқал топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Абдураҳим ҚУРБОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

---

**Ташаббус**

Мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус асосида Бўка туманида маҳаллалар кундан-кунга чирой очиб, замонавий ва кўркам қиёфа касб этмоқда.

Бир ойга яқин вақт ичида туманда юз бераётган янгиланишлар, бунёдкорлик, маънавий-маданий ишлар аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ҳаётига янгича мазмун олиб кирмоқда.

# Юксак орзулар ижобати



Беш ташаббус ижроси доирасида туманда ташкил этилаётган китоб ярмаркалари, таниқли адиблар билан учрашувлар, маънавий-маданий тадбирлар ва спорт мусобақалари фуқароларнинг фаол иштирокида кўтаринки руҳда ўтмоқда. Уларда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар ва фахрийлар фаол иштирок этмоқда. Туманда ҳар куни бирор янгилик, бир ўзгариш. Янги бинолар барпо этилмоқда, мавжудлари замонавий талабларга мос равишда капитал таъмирланаяпти.

Аввал хабар қилганимиздек, тумандаги "Янгиқўрғон" маҳалласида беш ташаббус доирасида бошланган қурилиш-ободончилик борасидаги улкан ишлар, маънавий-маданий янгиланишлар бугун изчил давом эттирилмоқда. Яратилган иш ўринлари ёшлар ва хотин-қизларнинг ўз қобилиятини намоён этишга, ҳалол меҳнат қилиб, жамиятимиз равнақига ҳисса қўшишга хизмат қилмоқда. "Китоблар карвони"да ёшларга тақдим этилган тафаккур дурдоналари ўз ҳикматини, билим қудратини фарзандларимизнинг онг-шуури, қалбига жо этмоқда.

Президентимиз илгари сурган беш ташаббусдан бири хотин-қизларни иш билан таъминлашга доир. Бўкадаги Ёшлар боғида очилган Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази ҳамда Аёллар ижтимоий мослашув маркази фаолияти тобора кенгаймоқда.

— Ҳозиргача марказимизга ташаббускорлик лойиҳалари асосида банк муассасасидан кредит олган 350 нафар аёллар аъзо бўлди, — дейди Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази раҳбари С.Тошматова. — Эндиликда улар билан мунтазам иш олиб борамиз ва ҳар бирининг ўзи танлаган йўналишда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб, яхши натижаларга эришиши учун яқиндан ёрдам кўрсатишни мақсад қилганмиз. Шу билан бирга, марказимиз қошида тикувчиликка қизиққан аёллар учун ўқув дарслари ташкил этилади.

— Иш тополмай юргандим, — дейди П.Икромова. — Ишсиз хотин-қизлар рўйхатга олинаётганини эшитиб, мен ҳам бундай имкониятдан фойдаланишга қарор қилдим. Яқинда ишга тушадиган фабрикада ишлаш ниятидаман. Ҳозир амалиёт жараёнида устозлар назоратида трикотаж буюмларини тикаётган аёлларнинг ўз ишидан мамнунлигини англаш қийин эмас. 133 нафар опа-сингилларимиз бичиш-тикиш, дазмол босиш ва тайёр маҳсулотни сўнгги назоратдан кейинги тахлаш ишларини бекаму кўст бажармоқда.

Беш ташаббус ижроси самарасида шаҳардан қолишмайдиган, бундай обод маҳаллаларда яшаш, меҳнат қилиш инсон учун улкан имкониятдир.

Тумандаги "Бўстон" маҳалласида қуриб битказилган фабрикага 112 тикув машинаси олиб келинди. 300 нафар хотин-қизлар тикувчилик бўйича ўқитилмоқда. "Ўзпахтасаноат" АЖ томонидан "Чавлисой" маҳалласидаги фабрикага ҳам 100 тикув машинаси ўрнатилиб, тикувчилик мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган аёлларга шу жойнинг ўзида ўқув амалиётини ўташ имконияти яратилди.

Тадбиркор Мўмин Муродовга берилган фабрика яқин кунларда тўлиқ қувват билан ишлай бошлайди. Ушбу корхонада аёллар тиккан буюмлар харидорлар учун савдога чиқарилади. Бу эса ҳар бир ишчининг оиласи фаровон, рўзғори бут бўлади, деганидир.

3-сектор ҳудудидаги "Катта работ" маҳалласида 2460 нафар аҳоли яшаб истиқомат қилади.

— Бунёдкорлик ишларидан ҳамма хурсанд, — дейди маҳалла раиси Э.Исматов. — Марказий кўчада жойлашган маданият саройи таъмирланаяпти. Кичик ўйингоҳ, кутубхона, компьютердан фойдаланиш учун махсус хона, қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғини биноси янгидан барпо этилмоқда.

Ёшларнинг кўз ўнгида давом этаётган бундай улуғвор ишларнинг ибрати беқиёс. Ушбу янгиланишлар фарзандларимизнинг қалбига ғурур, ифтихор бағишлаб, уларнинг юксак орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

**Абдуғани СОДИҚОВ.**

Пўлат БОБОЖОНОВ:

# Одамлар тинч-хотиржам яшаши учун ҳаракат қиляпмиз

1

Маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида фаолият кўрсатиб келган ички ишлар органлари таянч пунктлари сони кўпайтирилди. Таянч пунктларининг маҳалла фуқаролар йиғини билан бир бинода бўлиши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда ижобий самарасини бераётир.

Яқинда маҳаллаларда профилактика инспекторларининг ёрдамчилари ҳам ўз фаолиятини бошлади. Улар махсус кийим бош билан ва босқичма-босқич велосипедлар билан таъминланиши алоҳида эътиборга молик. Бу ўз номидан ҳам кўриниб турибдики, жамоат тартибини сақлашда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторларига кўмаклашади, "Фидокор ёшлар" гуруҳи ва "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси фаолиятига раҳбарлик қилади.

Ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу сабабли давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига кўра шаҳар-туман ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди. Хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Республикамиз бўйлаб 6496 та "Жамоатчилик назорати масканлари" ташкил этилди. Уларда хизмат олиб боришга ҳар куни 21 мингдан ортиқ жамоатчилик вакиллари жалб қилинмоқда. Бундай саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, 2018 йилда 2 301 та ёки 25 фоиз, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 7038 та ёки 78 фоиз маҳаллаларда жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Жамоат тартибининг ишончли сақланишини таъминлаш мақсадида, 2018 йилнинг июль ойидан Тошкент шаҳрида, сентябрь ойидан барча вилоят марказларида уч сменали, яъни туну кун патруллик хизмати ташкил этилди. Ҳар куни ички ишлар органлари ходимлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва жамоатчилик вакилларидан иборат патруль-пост нарядлари хизмат ўтамоқда. Патруллар сони Тошкент шаҳрида 2 баробар, вилоят марказларида 4 баробарга кўпайди. Жамоат жойларида патруллик хизматини ўташга "Фидокор ёшлар" гуруҳи аъзолари ҳам кўмаклашмоқда.

Жамоат жойларида тезкор вазиятни доимий равишда кузатиб бориш, патруль нарядлари ишини мувофиқлаштириш мақсадида, 250 мингдан ортиқ видео кузатув камералари ўрнатилди. Уларнинг 2214 таси ички ишлар органлари навбатчилик қисмларига уланди. Ситуацион марказлар ишга туширилди. Маҳаллаларда эса криминоген вазиятни ўзида акс эттирувчи геоинформацион хариталарни босқичма-босқич жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Шу йўналишда Самарқанд, Бухоро, Наманган ва Андижон вилоятларида иш бошланган.

Эндиликда патруллик хизматининг куч ва воситалари бевосита одамни юзидан таниб олиш махсус мосламаси ва алоқа воситалари билан жиҳозланган автобус, патруль-пост хизматининг кўчма будкалари базасида ташкил этилган мобиль пунктлар орқали бошқарилмоқда. Ўтиш қийин бўлган ҳудудлардаги патруль-пост хизмати ходимлари мотоскутер билан таъминланди. Амалга оширилган ишлар натижасида, жамоат жойларида содир этилган жиноятлар 2018 йилда 42 фоизга камайишига эришилди.

Мамлакатимизга ташриф буюрувчи меҳмонларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳам диққат марказимизда. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларида хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ташкил этилди. Ана шу янги соҳавий хизмат ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан ўтган қисқа вақт ичида юртимизга ташриф буюрган 131 та хорижий давлат делегациялари ва 7 миллиондан ортиқ туристнинг хавфсизлиги таъминланди.

**— Давлатимиз раҳбари "Одамлар ички ишлар органининг ҳар бир ходимида ўз ҳимоячисини кўриши керак", деган эдилар. Бундай талабга яраша юқорида айтганингиздек, тизим ходимларига муносиб шарт-шароитлар яратиб берилди, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Бугун тизимда давлатимиз раҳбарининг ушбу даъватига муносиб кадрлар етарлими?**

— Ҳар қандай соҳада ҳам яратилган шарт-шароитлар, мустаҳкам моддий-техника базаси қанчалик аҳамиятга эга бўлмасин, ишнинг муваффақияти биринчи галда кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Шу боисдан давлатимиз раҳбарияти ички ишлар органлари учун замон талабларига жавоб берадиган, малакали кадрлар тайёрлаш борасида мунтазам равишда ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Ҳа, шубҳасиз, жиноятчиликка қарши курашишда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими муҳим аҳамият касб этади. Ислоҳотлар жараёнида ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сифатли кадрлар тайёрлашнинг профессионал тизими ташкил этилди. Вазирлик Академиясига номзодларни қабул қилиш квоталари 200 нафарга оширилди. Ушбу таълим муассасасида янгидан "Йўл-ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолияти", "Хизмат фаолиятини психологик таъминлаш фаолияти" ва "Жиноий жазоларни ижро этиш фаолияти" мутахассисликлари ташкил этилди. Ҳозирда 7 йўналишда мутахассислар қайта тайёрланади. Академияда 29 нафар фан доктори ва 56 юридик фанлари номзоди курсант ва тингловчиларга билим беради, иккита илмий кенгаш фаолият кўрсатади.

ИИВ тасарруфида иккита ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази мавжуд. Ходимларимизнинг билимларини бойитиш ва чуқурлаштириш, хорижий илғор тажрибаларни ўргатиш мақсадида Малака ошириш институти фаолият кўрсатмоқда. Белгиланган режа асосида Институт томонидан жойлардаги ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари ходимлари билан сайёр ўқув йиғинлари ўтказилмоқда.

Тизимдаги профилактика инспекторлари лавозимларини ҳуқуқшунос ходимлар билан тўлдиришга қаратилган ишларни жадаллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали ташкил этилди.

Филиал бакалавриатига қабул квотаси йилига 225 киши, кадрларни қайта тайёрлаш дастури бўйича эса ҳар олти ойда 50 киши этиб белгиланди. Жиззах политехника институти негизида Жиззах вилояти ички ишлар органларининг олий ноюридик маълумотга эга бўлган ходимларини қайта тайёрлаш сайёр курси ташкил этилди. Ҳозирги кунда 49 нафар профилактика инспектори ушбу курсда малака оширмоқда.

Жорий йилда ИИВ Академиясини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида битирувчи 108 нафар тингловчини профилактика инспекторлари лавозимига жамлаш режалаштирилди.

Ҳар бир вилоятда, Қорақалпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрида ИИВнинг академик лицейлари ташкил этилганидан ҳам айни Президентимизнинг даъватига "лаббай" деб жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлаш мақсади кўзланган. Келаси йилдан ИИВ Академиясига ана шу лицейларнинг битирувчилари орасидан энг муносиблари танлаб олинади. Ўқишга кира олмаганлари эса ички ишлар органлари сафдор ходимлари сафига қабул қилинади. Чунки улар лицейда уч йил давомида таҳсил олиш жараёнида соҳага оид муайян билим ва кўникмаларга эга бўлишади. Кўриб турганингиздек, соҳамиз учун малакали кадрлар тайёрлашнинг изчил тизими яратилган. Бундан ташқари, академик лицейларда ИИВ Малака ошириш институти билан ички ишлар органлари ходимларини масофавий ўқитиш режалаштирилган.

**— Пўлат Раззоқович, Сиз вазир сифатида иш бошлаганингиздан сўнг тизимда, қуйи бўғинларда муайян кадрлар алмашинуви ҳам амалга оширилди. Бунда асосан нималарга эътибор қаратилди? Аввалги қандай жиҳатлар сизга маъқул тушмади?**

— Энди эскичасига ишлаб бўлмайди. Кабинетда ўтириб буйруқбозлик қилиш замони ўтди. Раҳбар халқнинг ичида бўлиши, унинг дарду ташвишини яхши ўрганиши, ўз дарду ташвиши деб билиши лозим. Бу борада Юртбошимиздан ўрнак олишимиз керак. Бошқаларга "бошчилик қиламан" деган одам изланувчан, ташаббускор талабчан бўлиши, кези келганда ғамхўрликни ҳам ўрнига қўйиши, соҳага инновацион ёндашиши, янгича фикрлаши лозим. Ана шу талабларга жавоб бера олмайдиган раҳбарлар билан "хайрлашяпмиз". Қолаверса, ёш кадрларга ишонч билдиряпмиз. Аммо ишни эплолмаса, уларни ҳам аяб ўтирмаймиз.

Нафақат раҳбарлар, балки оддий ходимларга нисбатан ҳам талаб юқори. Бугунги кунда ўз устида ишламайдиган, касб маҳоратини, билимларини тинимсиз ошириб бормайдиган, "куним ўтса бўлди" дейдиган ходим тизимимизда ишлай олмайди. У фидойи, ҳалол, ғайрат-шижоатли, энг асосийси халққа хизмат қиладиган ходим бўлиши даркор. Фақат ўзининг манфаатини, тинчини ўйлайдиган ходим ҳам, раҳбар ҳам бизга керак эмас. Замоннинг талаби — шу.

**— Тизимда жиноятларни тезкор йўллар билан фош этишда халқаро тажрибаларни ўрганиш масаласи қандай? Сизнингча, соҳа ходимлари яна нималарни ўрганиши керак?**

— Авваламбор шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлаш жиноятчилик камайишининг муҳим омилларидан биридир. Жорий йилнинг тўрт ойи давомида 12935 та жиноят иши тергов қилинди. Бу ўтган йилга нисбатан 2722 та, яъни 17,4 фоиз кам демакдир. Бундай натижага олиб борилган профилактик чора-тадбирлар туфайли эришилди. Шундан 9414 та жиноят иши тамомланган, 6113 таси судга, жумладан ярашув қарорига асосан 870 та, амнистия актига асосан эса 41 та жиноят иши судга юборилди. 3301 та жиноят иши тугатилди. Тўхтатилган жиноят ишлари 616 тани ташкил этди. Фуқаролар, давлат, ташкилот ва муассасаларга етказилган зарарнинг 87,5 фоизи дастлабки тергов жараёнида қопланган.



Бугунги кунда ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишда хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлик қилиш ҳар қачонгиданда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ички ишлар вазирлигининг халқаро ҳамкорлик кўлами икки томонлама ва кўп томонлама доирада жадаллик билан кенгайишда давом этмоқда. Жумладан, бугунги кунда Вазирлигимиз Ўзбекистон Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатган деярли барча мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан алоқаларни ўрнатган.

Биргина, 2018 йил ва жорий йилнинг биринчи чораги таҳлилига қарайдиган бўлсак, МДҲ иштирокчи давлатлари ички ишлар органлари, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар (Хитой, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, БАА, Саудия Арабистони, Туркия, Исроил, АҚШ, Германия, Франция, Англия, Италия, Венгрия, Норвегия ва бошқа) давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар ва тузилмалар билан ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, ўтган давр мобайнида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда республикамизда 200 дан ортиқ конференция, семинар, тренинг ва турли даражадаги учрашувлар ўтказилиб, уларда 780 нафар ички ишлар органлари ходимлари иштирок этдилар. Шунингдек, 700 га яқин ички ишлар органлари ходимлари хорижий мамлакатларда ташкил этилган турли даражадаги 230 дан ортиқ тадбир ва учрашувларда иштирок этдилар.

Жорий йилнинг 30 май — 1 июнь кунлари Тошкент шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг ички ишлар вазирлари Кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Ушбу нуфузли тадбирда Ҳамдўстлик мамлакатлари ички ишлар органлари, полиция ҳамда халқаро ташкилот ва тузилмалардан 80 дан ортиқ юқори мартабали вакиллар иштирок этиши кутилмоқда. Ўйлайманки, мазкур тадбир хорижий мамлакатлар ички ишлар вазирликлари билан барча йўналишларда, шу жумладан тезкор йўллар билан жиноятларни фош этиш борасида ўзаро тажриба алмашишни, ҳамкорлигимизни янада юқори даражага олиб чиқади.

Жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш ва тергов ҳаракатлари ўтказишда криминалистик воситалардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Ана шу омил назарда тутилиб, ИИВ Эксперт-криминалистика бош марказида махсус тадқиқотлар йўналишидаги экспертизаларни ўтказишда қулайлик яратиш, физика-кимё, портлаш техникаси, автотехника экспертизаларини ўтказиш, тадқиқотларнинг илғор усул ва услубларини жорий этиш учун Ўзбекистонда ягона Махсус экспертизалар маркази ташкил этилди. Бундан ташқари, барча ҳужжатларни ва дунё мамлакатлари пул бирликларини ҳақиқийлигини аниқлаш, техник-криминалистик экспертиза ўтказишга мўлжалланган "Regula 4305 DMH" видеокомпаратори ва маълумотлар базасидан тадқиқотлар ўтказишда фойдаланилмоқда.

ИИВ Эксперт-криминалистика бош марказида Ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш ва ривожлантириш бўлинмаси ташкил этилиб, халқаро «Access Data» компанияси томонидан марказнинг икки нафар ходимига рақамли тадқиқотларни мустақил ўтказиш ҳуқуқини берувчи халқаро намунадаги сертификатлар берилди. Бош марказга Корея Республикаси Бош прокуратураси Рақамли экспертизалар миллий маркази томонидан мобил қурилмаларни (телефон, смартфон, планшет) эксперт тадқиқ қилувчи комплекс тақдим этилди. Ундан мобил қурилмалар хотирасидан ўчириб ташланган иш учун аҳамиятли маълумотларни тиклашда фойдаланилмоқда. ИИВ ЭКБМ ва ҳудудий бўлинмаларини махсус криминалистик лаборатория автомашиналар билан таъминлаш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда юртимизда туризм ривожланмоқда. Демак, тезкор хизмат ходимлари чет тилларини ҳам билиши лозим. Ходимларимиз учун тил ўрганиш курсларини ташкил қилишимиз зарур.

**— Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Лекин жиноятга жазо муқаррар. Аммо... Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумларнинг ҳам ўзига яраша ҳуқуқлари бор. Бундан беш-ўн йил аввалги ЖИЭМлар билан бугунги муассасалар ўртасида қандай фарқ бор? Ушбу йўналишдаги ўзгаришлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Халқчил сиёсат ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган жараёнлар жазони ижро этиш тизимини ҳам четлаб ўтгани йўқ, албатта. Ўтган давр мобайнида бу соҳада ҳам қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг туб негизида билиб-билмай жиноят содир этган шахсларнинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, жазо муддатини ўташи учун қулай муҳит яратиш мақсади мужассам.

Айтиб ўтишим жоиз, Тошкент шаҳридаги 1-сон Тергов ҳибсхонаси халқаро стандартлар асосида қурилган янги бинога кўчирилди. Бу ерда терговчи ва адвокатлар хоналари ташкил этилиб, адвокат хоналаридан ташқари замонавий видеокузатув мосламалари билан жиҳозланди. Инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ишлар самарадорлигини ошириш, уни янги босқичга кўтариш мақсадида нафақат мазкур ҳибсхона, балки республикамиздаги мавжуд барча тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларига замонавий видеокузатув мосламалари ўрнатилди. Бу эса жазони ижро этиш жойларида сақланаётган ва жазо муддатини ўтаётган фуқароларнинг жиноят-ижроия қонунчилигида белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, улар билан бўладиган ўзаро муносабатларда белгиланган қонун талабларидан четга чиқмаслик, тергов жараёни ва сақлаш шароитларининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

2017 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда белгиланган вазифалар доирасида ўтган давр мобайнида жазони ижро этиш тизими фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Жумладан, бир қатор колонияларда маҳкумлар ётоқхоналари ва ёрдамчи бинолар бугунги кун талаблари асосида янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига асосан 16 та маҳкумлар ётоқхонаси, учта ёрдамчи бино ва иншоотлар қайта таъмирланди, Айни пайтда бу каби қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал давом эттирилиб, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар ётоқхоналари, ёрдамчи бинолар босқичма-босқич бугунги кун талаблари асосида қайта қурилиб, халқаро стандартларга мувофиқлаштирилмоқда.

Билиб-билмай жиноят содир этиб, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг баъзи ҳуқуқларига тўхталиб ўтсак. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига мувофиқ, маҳкум жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиши мумкин. Бундан ташқари, ўқув, бадиий ва бошқа хил ахборот материалларидан фойдаланиши, соғлиғини сақлаш, тиббий хулосага кўра, амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиши белгилаб қўйилди.

Ҳаёт йўлларида билиб-билмай содир этган жинояти сабаб озодликдан маҳрум этилган шахсларни қайта тарбиялашда китобнинг ўрни беқиёсдир. Шу боис, жазони ижро этиш муассасаларида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни озодликка тайёрлаш ва касбга ўқитиш ҳам эътиборда турибди. Жорий йилнинг 16 апрель куни "Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳукумат қарори қабул қилинди. Бугунги кунда, жазони ижро этиш муассасаларида 6 та идоравий умумтаълим мактаблари ва мактабларнинг филиаллари фаолият юритмоқда. Қарорга мувофиқ, Тошкент вилоятида жойлашган Тарбия колониясида Зангиота тумани 35-мактабнинг филиали ташкил этилди. Касб-ҳунар таълими марказининг жазони ижро этиш муассасалари ҳудудидаги 4 та касб-ҳунар таълими муассасалари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилиб, касб-ҳунарга ўргатиш марказларига айлантирилди.

**— Жорий йилнинг 2 апрелида имзоланган "Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги қонунда ЖИЭМлардан озодликка чиққан, афв этилганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қандай янгилик киритилди? Бундай шахсларни иш билан таъминлаш бўйича зарурий ишлар олиб бориляптими?**

— Мазкур қонунга мувофиқ энди текшириш учун маъмурий назорат остидаги шахсларнинг хонадонига соат 06.00дан 22.00гача кириш тақиқланади. Уларни ишга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш ҳақида ички ишлар органлари тегишли давлат органларига, бошқа ташкилотлар, корхона ва муассасаларга илтимосномалар юборади. Назоратдаги шахснинг талабига кўра у билан профилактик суҳбатлар бундан буён адвокат, жамоатчилик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили ёки унинг яқин қариндошлари иштирокида ўтказилади. ЖИЭМ маъмурияти озод этилаётган ногирон ёки оғир хасталикка чалинган шахсларни даволаш масаласини олдиндан ҳал этиш тўғрисида тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти, ички ишлар органларига, соғлиқни сақлаш муассасаларига илтимоснома жўнатади.

Профилактик ҳисобда турган муқаддам судланганлар, шу жумладан устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахсларга ҳар томонлама кўмак кўрсатилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг тўрт ойи ичида улардан 3309 нафарига ишга жойлашиши учун меҳнат бўлимига йўлланма берилган, 2312 нафарига эса моддий ёрдам кўрсатилган.

**— "Ишонч телефонлари" жиноятларнинг олдини олиш, одамлар хавфсизлигини таъминлаш ва халқнинг тизим ходимларига бўлган ишончини оқлашда ҳам муҳим ўрин тутади. Ушбу йўналишда аҳолидан тушган мурожаатлар бўйича қандай ишлар амалга оширилди? Жорий йилнинг ўтган даврида қанча жиноятнинг олди олиниб, хавфсизлик таъминланди?**

— Оғзаки мурожаат этиш ҳуқуқини амалга ошириш учун фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида, 2017 йил 1 майдан бошлаб Ички ишлар вазирлигида ягона қисқа "1102" рақамли "Ишонч телефони" ташкил этилганини айтиш жоиз. Мазкур телефон туну-кун узлуксиз фаолият кўрсатиб турибди. Вазирликнинг "Ишонч телефони"-га сутканинг исталган пайтида республикамизнинг барча ҳудудларидан қўнғироқ қилиш мумкин.

"Ишонч телефони"га келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, зудлик билан ижрога йўналтириш учун махсус электрон тизим жорий этилган. Ҳар бир мурожаат алоҳида назоратга олинади. "Ишонч телефони"-дан нафақат Ватанимиз фуқаролари, балки чет элликлар ҳам хабардор. Ушбу имконият ташкил этилганидан буён жами 65 735 та мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 56 таси чет элликлар томонидан йўлланган.

Муҳими, келиб тушган мурожаатларнинг 13 381 таси ёки 20,5 фоизи ижобий ҳал қилинган. 47372 таси ёки 72 фоизи бўйича малакали тушунтиришлар берилган. Йўлланган мурожаатлар тезкорлик билан кўриб чиқилгани боис 289 та миннатдорлик мазмунидаги мурожаатларни ҳам олдик. Умуман, тизим тубдан қайта кўриб чиқилди. Биринчи галда Вазирлик қабулхонаси туну-кун ишлаши йўлга қўйилди. Қабулхона замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланди. Вазирлик фаолияти бўйича маълумотларни олиш ва мурожаатни юбориш имкониятига эга бўлган "инфокиоска"лар жорий этилди. Бундан ташқари, Вазирлик раҳбарияти ва вилоят ички ишлар органлари бошлиқлари сайёр қабул ўтказиш амалиётини жорий этишди. Бу эса фуқароларнинг муаммолари бўйича аниқ чоралар кўриш имкониятини яратди.

Жорий йилнинг ўтган даврида, Вазирлик раҳбарияти ўтказган сайёр қабуллар жараёнида мингдан ортиқ фуқаро қабул қилиниб, уларнинг муаммолари шу жойнинг ўзида ҳал этилди. Жорий йилнинг 3 ойи мобайнида "Ишонч телефони"га қилинган қўнғироқлар ёрдамида мамлакатимиз бўйича жами 116 жиноятнинг олдини олишга эришилди.

**— Президентимиз соҳа ходимлари билан ўтказган видеоселектор йиғилишларида айрим ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларни барвақт аниқлаш ишлари қониқарли эмаслигини таъкидлаган эди. Ҳозирги кунда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар сони ва турлари бўйича қайси ҳудудларда қандай муаммолар бор?**

— Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ҳар қанча чоралар кўрилишига қарамай, жиноятга мойил шахслар бўлади. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимлари, бошқа соҳавий хизматлар ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари билан бирга жорий йилнинг ўтган даврида республикамизда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш бўйича бир қатор тизимли профилактик тадбирлар ўтказди. Булар натижасида жиноятчилик кескин камайишига эришилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда барча йўналишларда 6577 жиноят содир этилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан *31,6 фоизга* ёки 3043 тага камайди. Шундан, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар 17,1 фоизга, ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар 39,5 фоизга, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 13,1 фоизга, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар 20,9 фоизга қисқарди.

Бироқ жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларини ***"Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати"*** тамойили асосида муҳокама қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган профилактик ишлар самарали ташкил этилмагани оқибатида айрим минтақаларда муайян турдаги жиноятларнинг ошиши кузатилди. *Масалан, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар республика бўйича 13,1 фоизга камайган бир пайтда, Тошкент шаҳрида 7,7 фоизга, Жиззах вилоятида 25 фоизга, Сурхондарё вилоятида 36,4 фоизга ошган.*

**— Пўлат Раззоқович, ҳаммамизга яхши маълум, тизимда иш кўлами катта, вақт ҳамиша тиғиз. Соҳа ходимларининг китоб, газета-журнал ўқиши учун ҳам вақт топиладими? Ўзингиз қайси нашрларни кузатиб борасиз ва қай бири сизга маъқул?**

— Албатта, мутолаасиз ҳаёт зерикарли бўларди. Ишимиз ҳар қанча тиғиз бўлмасин, китоб, газета-журнал ўқишга вақт ажратишимиз керак. Бусиз ривожланиш бўлмайди. Шунинг учун ички ишлар органлари ходимларининг маънавий-маърифий дунёсини бойитиш, уларнинг касбий, сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш, шахсий таркиб ўртасида китобхонликни ривожлантириш масаласи эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Аввало, Вазирликнинг Маърифат ва ахборот-ресурс маркази ташкил этилгани фикримизни тасдиқлайди.

Ушбу Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги "Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талаблари асосида ИИВ музейи ва кутубхонаси негизида ташкил қилинди. Марказ Ички ишлар органлари тарихи музейи, 5 мингдан ортиқ адабиёт жамланган ўқув зали ва 6 мингдан ортиқ электрон ресурсдан иборат электрон кутубхонани ўз ичига олади. Кутубхона "Шарқ зиёкори", "Ёшлар матбуоти" ва "Ўздавкитобсавдотаъминоти" масъулияти чекланган жамиятлари, "Ўзбекистон" ва "Янги аср авлоди" нашриёт матбаа ижодий уйлари, "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" нашриёти, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги ихтисослаштирилган "Адолат" нашриётидан сотиб олинган турли жанрдаги адабиётлар, ўқув қўлланмалари билан бойитилган. Кутубхона тармоқ орқали Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси электрон ресурслар базасига уланган. Ходимларимиз шу ердан туриб, Миллий кутубхона ресурсларидан фойдаланишлари мумкин.

Кутубхона учун марказий даврий нашрлар, газета ва журналлар, қонун ҳужжатлари тўпламлари, Олий Мажлис ва Ҳукумат қарорлари ахборотномалари, Олий суд пленуми қарорларига обуна ташкил этилган. Ундан ИИВнинг барча ходимлари, ишчи ва хизматчилари фойдаланадилар.

Юқоридаги ишларнинг давоми сифатида китоб харид қилишни хоҳловчилар учун вазирлик ҳудудида ташкил этилган китоб дўкони ҳам ходимлар учун хизмат қилмоқда. Ходимларнинг кутубхонага ташрифини, китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида ҳар йили "Энг яхши китобхон" кўрик-танлови ўтказиб келиняпти.

Шубҳасизки, ўзим ҳам ОАВларни доимий ўқиб, кузатиб бораман.

**— Суҳбатингиз учун катта раҳмат.**

Ҳурматли журналистлар, азиз ҳамкасблар!

Сизларнинг муҳокамангизга Ўзбекистон Журналистларининг касб этикаси кодекси лойиҳасини тақдим этяпмиз.

Ушбу лойиҳа устида бир неча йиллар давомида иш олиб борилди. Хусусан, 2018 йили бу мавзуда бир неча йиғилиш ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда нафақат миллий экспертлар, тажрибали журналистлар таклиф-мулоҳазалари тингланди, балки ЮНЕСКО, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси, Минтақавий мулоқот ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакилларининг бу борадаги хорижий тажрибалар бўйича фикрлари билан танишилди. Мазкур муҳокамаларда билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида сизга тақдим этилаётган Ўзбекистон Журналистларининг касб этикаси кодекси лойиҳаси юзага келди.

Этика кодекси – ҳар бир журналист фаолиятининг мезони, унинг бурчи, масъулияти, ахлоқий маданияти, маънавиятини белгилаб берувчи ўзига хос муҳим ҳужжат. Кодекснинг касбий фаолиятимизда қанчалик муҳим ўрин тутиши унинг нечоғли мукаммал бўлишига боғлиқ. Шу боис барча журналистларни тақдим этилаётган Кодекс лойиҳасига бефарқ бўлмаслик ва масъулият билан ёндашиш, фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан ўртоқлашишга чақирамиз.

Муҳокамаларда иштирок этиш муддати лойиҳа эълон қилинган кундан бошлаб 1 ой.

Фикр-мулоҳазалар, таклифларни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига (Тошкент, 11. Навоий кўчаси 30 уй, электрон манзил: info@journalist.uz ва ijod@sarkor.uz)юборинг.

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси**

*Лойиҳа*

# Ўзбекистон Журналистларининг касб этикаси кодекси

### МУҚАДДИМА

Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган демократик жамиятни сўз ва ахборот эркинлигисиз тасаввур этиб бўлмаслигини эътироф этиб, биз — Ўзбекистон журналистлари мазкур касб этикаси кодексини (кейинги ўринларда — Кодекс) қабул қилдик.

Кодекс Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (БМТ БА, 1948 й), Журналистикада касб этикаси халқаро принциплари (ЮНЕСКО,1983 й), Журналистлар одоб-ахлоқи принциплари халқаро декларацияси (Халқаро журналистлар федерациясининг конгресси, 1954 й) ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунчилиги инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилди.

Кодекс журналистлар ва барча оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз касб мажбуриятларини бажаришда риоя этиши шарт бўлган маънавий-ахлоқий йўналишларни белгилайди.

### 1.ЖУРНАЛИСТНИНГ КАСБ МАЖБУРИЯТИ

Ҳаққонийлик, холислик, адолат, фикрлар хилма-хиллиги ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат Ўзбекистон журналистлари фаолиятининг асосий қоидаси ҳисобланади.

Журналист ўзининг сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш йўлидаги фаолияти жамият олдидаги бурчи экани ва унинг материаллари жамият манфаатларига хизмат қилиши кераклигини тўлиқ англайди.

Журналист Ўзбекистоннинг амалдаги қонунлари ва халқаро қонунларга асосланиб иш олиб боради, медиа маконда ижтимоий масъулият муҳитини яратган ҳолда соҳада ўзини-ўзи бошқариш тизимини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади, журналист обрў-эътибори ва шаънини ҳимоя қилади.

### 2. ЖУРНАЛИСТНИНГ ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТИ

Журналист жамият учун ахборот тўплаши, тайёрлаши ва уни тарқатиши, шунингдек, фуқароларнинг ўз фикрларини билдиришлари учун майдон яратиши лозим.

### 3.БЕТАРАФЛИК, ҲАЛОЛЛИК ВА ХОЛИСЛИК

Журналист бетараф ва ҳалол бўлиши, воқеа-ҳодисаларни холисона ёритиши, муомала маданиятига амал қилиши, фаолиятини шахсий ишончи, қатъияти ва принципларига мувофиқ бажариши зарур.

Журналист ўз касб мажбуриятларини бажаришда ахборот олишнинг қонунга зид усулларидан фойдаланмаслиги (қўрқитиш, таъмагирлик, товламачилик, иғвогарлик, мукофот ваъда қилиш ёки одоб-ахлоқ нормаларига зид бошқа усуллар билан), шунингдек, ўз хизмат ваколатларидан шахсий мақсадлари йўлида фойдаланмаслиги шарт.

Журналист ҳар қандай шароитда ҳам ёлғон ахборот эълон қилмаслиги, далилларни бузиб кўрсатмаслиги ва ижтимоий аҳамиятга эга ахборотни атайлаб яширмаслиги лозим.

### 4. АХБОРОТНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ ВА ХОЛИСЛИГИ

Ўзи тарқатаётган ахборотнинг ишончлилигини текшириш ва холис ахборот тақдим этиш журналистнинг бевосита мажбуриятидир. Журналист ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилган ахборотнигина тарқатади ва шарҳлайди (бунда у камида иккита мустақил манба орқали ахборотни текшириб кўриши тавсия этилади).

Ишончсиз ва далилларга асосланмаган ахборот тарқатган тақдирда журналист зудлик билан ўз хатосини тан олиши, бунинг учун узр сўраши ва хатосини тузатиш чорасини кўрмоғи лозим.

Журналист миш-мишлар ва уйдирма гапларга чалғимайди, жамиятда ва одамлар орасида саросима, ғалаён ва тартибсизликлар келтириб чиқарувчи, шунингдек, жамиятнинг ҳаётий муҳим тизимларининг издан чиқишига сабаб бўладиган ахборотни тарқатиш билан шуғулланмайди.

Журналист фикр ва нуқтаи назарлар хилма-хиллигини ҳурмат қилади, материалларида бунга алоҳида эътибор қаратади.

### 5. АХБОРОТ МАНБАЛАРИ ВА МАХФИЙЛИГИ

Журналист жисмоний ёки юридик шахснинг ахборот тақдим этишни рад этиш ёки тақдим этишдан тийилиш ҳуқуқини тан олади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Журналист ахборот манбаи рухсатисиз маълумотларни ошкор қилмаслиги, ахборотдан ғаразли манфаатлари ёхуд учинчи шахслар манфаатлари учун фойдаланмаслиги керак.

Журналист махфий йўл билан олинган ахборот манбаига нисбатан касб сирини сақлайди. Журналистни манбани ошкор этишга мажбурлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Махфийлик ҳуқуқи қонунчиликда белгиланган ҳолатлардагина суд қарори билан бузилиши мумкин.

### 6. МИЛЛИЙЛИК ВА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ

Журналист қандай мавзуга қўл урмасин миллий ўзига хослик, миллий маънавият ва ахлоқий қадриятларга, шу билан бир вақтда бошқа миллатлар ва маданиятларга ҳурмат сақлайди.

Журналист ҳеч бир халқ ва элатнинг миллий, диний ёки ирқий камситилишига йўл қўймайди.

### 7. ШАХСИЙ ҲАЁТГА ҲУРМАТ. ШАХС ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲИМОЯЛАШ

Журналист одамларнинг шахсий ҳаётини ҳурмат қилади. Шахс шаъни ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўймайди.

Журналист одамларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни фақат уларнинг розилиги ва ҳужжатларнинг сир сақланишига риоя қилган ҳолда эълон қилади.

Журналист ноқонуний йўллар ва бошқа номақбул воситалар ёрдамида одамларнинг шахсий ҳаёти ҳақида ахборот тўплаш, овоз ёзиб олиш ва бошқа материаллар тўплаши мумкин эмас.

Журналист балоғатга етмаганлар, жабрланувчилар, беморлар шаънини сақлаш нуқтаи назаридан уларнинг шахсини ошкор этмайди.

Журналист жиноий ишни ёритувчи материални тайёрлаётганида ҳукм чиқаришдан тийилади. Шахснинг айби суд томонидан исботланмагунига қадар журналист уни айбдор деб аташ ҳуқуқига эга эмас.

### 8. ПЛАГИАТ

Журналист ўз фаолиятида плагиатга йўл қўймаслиги лозим. Плагиат – ҳеч бир ҳавола кўрсатмай ўзга манбанинг матни, овози, кадри ҳамда тасвирини ўзлаштириб олиш – кўчирмакашликдир.

Журналист бошқа оммавий ахборот воситалари ва журналистлар муаллифлигидаги материаллардан фойдаланганида ёки уларга мурожаат қилганида аниқ манбани кўрсатишга бурчлидир.

### 9. ЖУРНАЛИСТЛАР БИРДАМЛИГИ

Журналистлар касбий бирдамлик талабларига риоя қиладилар. Журналист профессионал обрў-эътиборига путур етказадиган ва ижтимоий бурчига зид бўлган ишларга қўл урмайди. Журналистлар оммавий ахборот воситаларидан ғаразли мақсадларда ва ҳамкасблари ўртасида келишмовчиликлар келтириб чиқариш йўлида фойдаланмасликлари даркор.

Профессионал фаолияти учун таъқиб остига олинган журналист журналистлар бирдамлиги туйғуси ва принципларидан келиб чиққан ҳолда ҳамкасблари томонидан ҳимоя қилиниши лозим.

### 10. ОАВ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Журналист касб этикаси талаблари ва меъёрлари бузилиш ҳолатларини кузатиш, таҳлил қилиш ва тегишли хулоса чиқариш мақсадида ОАВ бўйича жамоатчилик кенгаши тузилади.

Жамоатчилик кенгаши низоми Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси конференциясида тасдиқланади.

Жамоатчилик кенгаши етти кишидан иборат таркибда беш йиллик муддатга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси конференциясида сайланади.

Жамоатчилик кенгаши:

— миллий ва хорижий (кези келганда) оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган (тарқатилган) материалларни журналистнинг касб этикаси меъёрлари нуқтаи назаридан ўрганади, таҳлил қилади, баҳолайди, хулоса чиқаради;

— журналистлик фаолияти билан боғлиқ баҳсли ҳолатларга ойдинлик киритилишида ёрдамлашади;

— Кодекс меъёрларига риоя этилмаслик ҳолатлари юзасидан тақдим этилган мурожаатларни кўриб чиқади ва қарор қабул қилади;

— журналист касб этикасига тааллуқли бошқа масалаларни жамоатчилик эътиборига ҳавола этади.

— кўриб чиқилган масала юзасидан Жамоатчилик кенгашининг қарори Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси муассислигидаги нашрларда чоп этилади.

Жамоатчилик кенгаши қарори журналистни интизомий, маъмурий ёки бошқа турдаги жавобгарликларга тортиш учун асос ҳисобланмайди, фақат тавсия хусусиятига эга бўлади.

**“Hurriyat” сўровномаси**

**1. Бугунги кунда мамлакатимиздаги аксарият газета ва журналларнинг ўқувчилари сони тобора камайиб бораётгани, бош муҳаррир, журналист сифатида, сизни хавотирга соляптими?**

**2. Матбуот ва ҳокимият муносабатлари сизнингча қандай бўлиши керак? Унинг бугунги аҳволи ҳақидаги фикрингиз?**

**3. Ижтимоий тармоқларда газета ва журналларга обуна уюштириш бўйича қаттиқ баҳс-мунозаралар бўлиб турибди. Ҳатто обунани “иллат”, ортиқча “бош оғриғи” деб ёзаётганлар пайдо бўла бошлади. Муносабатингиз?**

**4. Матбуот ва ОАВлари “ички цензура”дан қутулиши керак, албатта. Аммо сизнингча бунга нима(лар) монелик қиляпти?**

**5. Ўзингиз фаолият кўрсатаётган “Биржа” газетасида қандай янги режалар бор?**

# Балки ўрнимизни ёшларга бўшатиб берадиган вақт келгандир...



**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**“Бизнес-Daily Медиа”ноширлик уйи бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:**

**1.** Албатта, хавотирга солади. Фақат бизда эмас, бутун дунёда босма нашрларнинг адади камайиб боряпти. Бу — табиий жараён. Аммо шуни ҳам унутмаслик кераккки, бугунги ўқувчига оддий хабар ва майда-чуйда гапларга тўла газета ёки журналингизни мажбурлаб ўқита олмайсиз. Интернет сайтлар, ижтимоий тармоқлар уларга керак, нокерак ахборотни соатма-соат, дақиқама-дақиқа етказиб турибди. Бундай шароитда газеталар ва журналлар асосий эътиборини таҳлилий-танқидий, муаммоли масалаларга қаратиши керак.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ишлаган эдим. Шу даврда газета салкам 800 минг нусхада чоп этиларди. Одамлар газета дўконлари олдида навбат кутиб кундалик нашрларни сотиб олганига гувоҳ бўлганман. Тўғри, у пайтларда давр, одамларнинг дунёқараши бошқачароқ эди. Бугунгидек қўлимиздаги телефон орқали дунёдаги воқеаларни бир зумда билиб ололмасдик. Лекин газетамиз инсонларнинг дардини, даврнинг глобал муаммоларини кўтариб чиққани учун ҳам жуда ўқишли эди. Адабиёт ва санъатга ихтисослашган бўлса-да, публицистика биринчи ўринда турарди, жамиятдаги энг муаммоли, дардли масалаларга аралашарди. Бугун ҳаммамизни ўйлантираётган Орол фожиасини собиқ шўролар ҳукумати тарқалиб кетмаган, коммунистик партиянинг мушти ҳали бақувват пайтда ўша газета кўтариб чиққан. Демоқчиманки, ҳозир ҳам ўқишли газета чиқарсак, ўқувчи топилади.

**2.** Конституциямизнинг 67-моддасида “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”, деб ёзиб қўйилган. Шундай экан, ҳокимият ва матбуот муносабатлари шу моддага ҳамда матбуотга оид қонунларга асосланиши керак. Матбуот ва ҳокимият тил топишиб, бирлашган куни коррупцияга йўл очилади. Мамлакатимизнинг яқин тарихидаги воқеалар бунга мисол. Журналистларни жамият санитарлари дейишади. Журналистлар ҳокимиятнинг хатосини фош қилиб, бу хато ва камчиликларни унга кўрсатиб туриши керак. Шунда у хушёр тортади, шунда у тўғри ишлайди. Лекин бизда ҳокимият ҳали бунга тўла тайёрми? Танқидга муносабат масаласи жуда оқсоқ. Мен шу пайтгача Ўзбекистонда матбуотда танқидга учраган, бу ерда тўғри ва ҳалол танқид ҳақида гапиряпман, бирор раҳбар ўзи истеъфо берганини эшитмадим. Ваҳоланки, хатосини тан олиб, истеъфога чиқиш, раҳбарнинг обрўсини кўтарса кўтарадики, мутлақо туширмайди.

Очиғи, матбуотнинг, хусусан газеталарнинг ҳокимият билан бугунги муносабатидан унчалик қониқмайман. Чунки газеталар ҳам ҳали ўз сўзини айта олгани йўқ. Ҳамон “муроса” позициясидан чиқиб кета олмаяпти. Оч қорним — тинч қулоғим, мақолига амал қилиб ишлаяпти. Менинг назаримда, энди бундай ишлаб бўлмайди. Шундай ишлашда давом этаётганлар масс-медиа майдонини тарк этиши керак.

**3.** Газета ва журналларга мажбурий обуна ташкил этиш бўйича ижтимоий тармоқлар ҳамда босма нашрларда ўтган йили бошланган баҳс-мунозаралар ҳамон давом этмокда. Аввало “мажбурий обуна” деган нарсани ойдинлаштириб олишимиз керак. Кўплар, ҳатто тарғибот-ташвиқот асосида обуна уюштирилаётганини ҳам “ана мажбурий обуна қилинмоқда”, дея аюҳаннос солиб қолаяпти. Шуни яхшилаб ўйлаш, билиш кераккки, юқорида таъкидлаганимдек, бугун бировга бирор газетани мажбурлаб ўқитиб бўлмайди. Майли, мажбурий обуна ҳам дейлик.

Хўш, нима учун “мажбурий” обуна керак? Бугун турли сайтлар ва ижтимоий тармоқлар аҳолининг тезкор ахборотга бўлган талабини қондиряпти холос. Аслида эса инсонга кўплаб бошқа ахборотлар ҳам керак. Дейлик, ўқитувчи мактабга оид кўплаб ҳужжатлардан, қўлланмалардан ва ҳоказолардан хабардор бўлиши шарт. Буларни фақат “Маърифат” газетаси ёритади. Демак, ўқитувчи “Маърифат”га обуна бўлиши лозим. Мактабларнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасини, “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти” каби журналларни ўқимасдан қандай дарс бера олади. Фақат дарслик билан кифояланиб қолган ўқитувчи педагог эмас. Бугунги ўқитувчи бугунги адабий жараённи билиши шарт. Бошқа соҳаларда ҳам шу гапни айтиш мумкин. Масалан “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журналини варақлаб кўрсангиз, фермер ва деҳқонлар учун зарур муҳим тавсиялар берилади. Шу журналга обуна бўлган фермер бундан ютади холос. Лекин буни ҳамма фермерлар ҳам тушуниб етаётгани йўқ.

Ноширлик уйимизнинг учта газетаси, битта журнали бор эди. Ўтган йили обунадаги қийинчиликлар туфайли иккита газетани — “Бизнес-Daily — Истеъмолчи” ва “Бизнес-Daily — Менинг мулким — Частная собственность”ни чиқаришни тўхтатдик. Мулк ҳақидаги нашримиз иқтисодий газета сифатида учинчи ҳафталигимиз — “Бизнес-Daily — Биржа”нинг такрори бўлиши мумкин. Аммо “Бизнес-Daily — Истеъмолчи”-да истеъмолчилик борасида давлат юритаётган сиёсатни ёритаётган эдик. Истеъмолчиликка оид кўплаб муаммоларни, бозорлардаги нарх-навони бериб бораётгандик. Бошқача айтганда, имкониятимиз даражасида истеъмолчиларга ёрдам кўрсатаётгандик. Бугун ўша газета чиқмаяпти. Бундан кимга фойда-ю кимга зиён, ўзингиз баҳо бераверинг.

Хулоса шуки, ким нима деса деяверсин, аммо вақт ҳаммасини ўз жойига қўяди.

**4.** Саволни ўқиганда бир воқеа эсимга тушди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бир дўстимиз суд-ҳуқуқ соҳасида мақолалар ёзиб юрарди ва ёзганларини цензура ўтказмаётганидан нолиб, тўполон кўтариб қоларди. Фалакнинг гардиши билан йиллар ўтиб, шу оғайнимиз бир нашрга ўзи раҳбар бўлиб тайинланди. Шунда ўзи биронта жонлироқ мақолалар босилишига йўл қўймади. Яъни, амалга ўтиргач ўзи цензорга айланди. Назаримда, бош муҳаррирларнинг, мен бу ерда ўзимни ҳам назарда тутаяпман, газеталаримизни ўқишли, жонли, энг муҳими, халқчил қилиб чиқаришига ички цензура эмас, амаллари йўл қўймаяпти. Юқорига ёқмайдиган бирор мақола бериб қўйсак, амалдан кетиб қоламан деган қўрқув бизга халақит бераяпти. Балки шу қўрқув ички цензурадир. Тўғри, олтмиш, етмиш, саксонга яқинлашиб қолган бош муҳаррирларда тажриба бор, лекин даврга хос шижоат, дадиллик етишмаяпти. Бугунги бош муҳаррир, ҳатто оддий мухбир ҳам шижоатли, дадил, довюрак бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам, балки ўз ўрниларимизни замонавий фикрлайдиган, лавозимидан ажралишдан қўрқмайдиган, шижоатли ёшларга бўшатиб бериш вақти келгандир. Шунда газета ва журналларимиз ўқишли бўлар.

Яқинда бир дўстимга шу гапни айтсам, қани шундай ёшлар, улар йўқ-ку, деб қолди. Нега йўқ бўлсин? Ҳамма соҳада бўлгани каби, матбуотимизда ҳам иқтидорли, ҳалол, жасоратли ёшлар топилади. Балки муаммонинг ечими ёшларга ишонч билдиришдадир?

**5.** Режалар кўп. Гап уларни амалга оширишда. Айни пайтда ноширлик уйимиз томонидан “Бизнес-Daily — Биржа” газетаси ва “Бизнес-эксперт” илмий журнали чоп этилаяпти. “Бизнес-Daily — Биржа” иқтисодий йўналишдаги газета. Бугун дунё иқтисодида кўплаб глобал муаммолар пайдо бўлмоқда. Яқинда шундай муаммолардан бири, Европа Иттифоқи давлатларини иккига бўлиб турган “Шимолий оқим-2” ҳақида таҳлилий мақола бердик. Энди шу мавзуни давом эттирмоқчимиз. АҚШ — Хитой савдо уруши ва унинг оқибатлари менимча кўпчиликни қизиқтиради. Интеграциянинг кучайиши туфайли Марказий Осиё мамлакатлари битта валютага ўтиши мумкинми? Борди-ю шундай ҳол юз берса, қайси давлат ютадию, қайси бири ютқазади. Хуллас, бугун дунё иқтисодиётида бундай глобал муаммолар кўп. Биз газетамизда шулар ҳақида таҳлилий мақолалар бермоқчимиз. Биз ўтган йилдан бошлаб иқтисод бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган олимлар ҳақида мақолалар беришни бошлаган эдик. Шу рукнни давом эттириш ниятимиз бор. Албатта, шундай юксак мукофотга сазовор бўлган олимларнинг илмий тадқиқоти, оиласи, турмушидаги қувонч ва ташвишлари ҳақидаги мақолалар ҳам газетхонларимизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз. Хуллас, янги, яхши режаларимиз бисёр, гап, таъкидлаганимдек, уларни амалга оширишда.

**Феруза БЕРДИЕВА ёзиб олди.**

**Уюшма фаолиятидан**

# Янги лойиҳалар ва инвестициялар

Навоий кон-металлургия комбинати Матбуот маркази ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилоят бўлими ҳамкорлигида “Навоий кон-металлургия комбинати Қизилқум минтақасидаги янги ишлаб чиқариш корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришга хизмат қилади” мавзуида медиа-тур ва матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда ўттизга яқин республика ва маҳаллий ОАВ вакиллари иштирок этиб, улар “Мурунтов”, “Ауминзо-Амантой” конлари, Қизилқум саҳросини ўзлаштириш тарихи музейи ва Марказий кон бошқармаси кутубхонасини бориб кўрди.

Кон бошқармаси мажлислар залида ўтказилган матбуот анжуманида НКМКнинг 2017-2026 йилларда ривожлантириш дастури ва унинг ижроси хусусида батафсил маълумот берилди.

Анжуманда комбинатда уч миллиард АҚШ долларидан ортиқ қийматга эга 27 йирик инвестицион лойиҳа амалга оширилгани, бу эса яқин келажакда 30 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш, қимматбаҳо металлар ишлаб чиқариш ҳажмини эса 30 фоизга ошириш имконини бериши хусусида маълумот берилди. Жорий йилнинг ўзида 23 инвестицион лойиҳа учун 562 миллион АҚШ долларилик маблағ ўзлаштирилиши белгиланган.

Тадбирда корхона мутасаддилари оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига ҳам атрофлича жавоб беришди.

7 →

# “Борса келмас” сафари”

## Ёки Устюрт супасидаги синоатлар

1

Бундан ташқари Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан Мўйноқда катта қурилиш ва ободончилик ишлари олиб борилаётгани ҳам маълум эди. Ижодий гуруҳ Мўйноқдаги ана шу ўзгаришларни ўз кўзи билан кўриш ва у ердаги аҳолига бадиий адабиётлар олиб бораётган экан. Бундай қувончли хабарлар мени ҳам журналист сифатида қизиқтирмай қолмади. Тўғри, илгарилари ҳам у ерларда кўп марта бўлганман. Аммо у пайтлари таҳририятларнинг топшириғи билан бўлиб, ҳудуди учта Европа мамлакатига тенг келадиган бу юрти азизни яхшилаб айланмаганмиз.

Ана шундай ўйлар билан ижодий гуруҳга қўшилиб, Қорақалпоғистонга жўнадим. Поездда ўтирар эканман, саратовлик танишимнинг Устюрт супаси, “Довуд ота” чегара пости, “Борса келмас” деган жойлар, юртимизнинг энг шимолида жойлашган “Қорақалпоғистон” овули ҳақидаги ҳикоялари ёдимга тушди. Ижодий гуруҳдан ажрагим келмаётган бўлса-да, ўша жойларни



кўриш истаги устун келди. Йўлни шимол томонга бурдим. Вақтни ғанимат билиб, Ўрозбой оға Абдураҳмоновга телефон қилиб, “Борса келмас” қаерда эканини сўрадим. Оғам мен қидирган жойлар ҳозирги Қозоғистон ҳудудида эканини, аммо Қўнғирот туманидаги Сода заводи атрофида ҳам шунга ўхшаш жойлар борлигини билдирди. “Агар у жойларга борсангиз, қийналиб қолмаслигингиз учун бир одамнинг телефонини бераман. Исми Даврон. Ўша жойларда сайёҳлар учун ресторан-меҳмонхоналар, намозхона қурибди, деб эшитаман. Аммо ўзим у билан шахсан таниш эмасман. Нима бўлганда ҳам, нотаниш жойда асқотиб қолар”, деб қўшимча қилди, Ўрозбой оға.

Қўрққан олдин мушт кўтарар, дегандай, ҳали адашиб-нетиб қолмасимдан олдин Ўрозбой оға берган телефонга сим қоқдим.

— Алло, бу Давронбекми?

— Айнан ўзиман, — деган шўх овоз келди, жавобан.

— Адашиб қолишга улгурмаган, ёзувчиман. — Менинг ҳазиллашгим келди.

— Улгурмаган бўлсангиз, энди улгуринг, адашганларнинг барчаси ёнимда ўтирибди.

Хуллас, ҳазил-ҳузул билан “таниш” олдик. “Борса келмас” га бораётганимни айтдим. Шунда Давронбек: “агар эртага Қўнғиротга етиб келсангиз, “Борса келмас”га ўзим олиб бораман”, деб ваъда берди. Эртаси мени Қўнғирот вокзалида Темур исмли бир йигит қаршилади. Биз Сода заводи этагида жойлашган “Элобод” посёлкаси оралаб ўтарканмиз, Темур бу жойнинг номини Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов қўйганини айтиб берди. Посёлкадан чиқиб шундай ўнга бурилгандик, бинолар пештоқидаги Кафе, Отель, Динур деган ёзувларга кўзим тушди. Сездимки, саратовлик танишим айтган жойга келибмиз.

Ўша танишим эса менга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берганди. Маълум бўлишича, у шунча йиллардан буён Русиянинг Саратов шаҳрида яшаб, меҳнат қилибди, бола-чақа орттирибди. Кунлардан бир кун туғилиб-ўсган юрти, бизга ўхшаган ошна-оғайнилари ёдига тушибди. Кўнгли ҳувиллаб, тинчини йўқотибди: ҳар лаҳзада кўз ўнгидан ота юрти ўтаверибди. Ва бир куни ҳайё-ҳуйт деб Ватани томон йўл солибди. Сўраб-суриштирса, турган жойидан Қозоғистон чегарасигача кўп узоқ эмасакан. Поездни ҳам кутмай, шу ерда ишлаб, уйларига қайтаётган йигитларга қўшилиб, енгил машинада Ўзбекистонга жўнабди.

— Мен-ку, Русия фуқаросиман,— дейди танишим. — Ўрис чегарачилари афтимга қараб, қовоқ-тумшуқларини осилтирганча, ҳа, одам кўпайсинга келганлар, юртингга қайтяпсанми, деб заҳарханда қилишади. Энди шерикларимга қилган муомилаларига ҳўкиз ўлади. Нима қилишсин, бу бечора мардикорлар, бошқа чораси бўлмаса нима қилишсин... Таҳқир, танбеҳ, ур-йиқит, олатасир тўполон билан бир амаллаб Қозоғистон постига етиб келдик. Томошанинг каттаси ўша ерда бўлди. Бу ердаги аҳволни кўриб, қозоғистонлик чегарачилар учун дунёда бир қозоқ бору Қозоғистон деган мамлакат борми, дейсиз. Сизни одам сифатида кўрмайди. Устингиздан кулади. Ҳақоратлайди. Охирида пулингизни олади (танишимнинг гапларини эшитиб, анча йиллар аввал Қирғизистон чегарасидан ўтган пайтларим ёдимга тушади — *муаллиф*)... Шундай қилиб, қозоқларнинг постидан ўтиб олгач, машҳур Устюрт супасига қадам қўямиз... Бу ердан Қорақалпоғистон чегарасигача нақд минг чақирим. Мана шу минг километр оралиқда бир пиёла чой ичгани кўнгудек жой — бор билан йўқнинг ўртасида. Борларининг ҳожатхонасида шамол ўйнайди... Ошхоналари муз қотган, таомларида маза-матрадан асар йўқ... Шундай шароитда минг чақирим йўлни босиб ўтишни бир тасаввур қилинг!

Йўл бўйи ана шулар ҳақида ўйлаб келар эканман, тирикчилик одамларимизга нақадар қимматга тушаётганидан кўнглим чўкди. Шукрки, узоқда Қорақалпоғистоннинг “Довуд ота” чегара пости кўзга ташланади. Биргина мени эмас, шерикларимнинг ҳам юраклари бир қалқиб тушганини сезаман... Нима деб ўйлайсиз, қадрдон юртга кириб келганингиздан (ахир Қорақалпоғистон ҳам Ўзбекистонимизнинг бир диёри!) юрагингиз ёрилмоқдан берроқ бўлгандир, дерсиз. Йўқ! Нима қиламиз яшириб, Русия фуқароси бўлганим учун мендан бироз ҳайиқишди. Аммо шерикларимнинг додини беришди. Бўлмаса ҳеч қандай ноқонуний ҳаракат йўқ. Мақсад — пул олиш. Уни баҳона қилади, буни мумкинмас, дейди ва ҳоказо... Яна бир мақсад ўзининг ҳукмфармо эканини намойиш этиш. Чегарадан бир амаллаб ўтганимиздан сўнг бир йўлак устидан чиқиб қолдим. Ортга қайтиб, катта йўлга чиқмоқчи бўлган эдим, елкасидаги юкнинг оғирлигидан бурни ерга теккудек бўлиб келаётган шерикларимдан бири мени қайтарди.

— Тўғри юрдингиз, оқсоқол, бу юртга ўтгач уч кунлик ҳақорат ва чарчоқни фақат ху, анави кўриниб турган бинодагина унутиш мумкин, — деди у. — Мана шу чироқлар тўғри ўша жойга олиб боради. Қаранг, катта йўл қоронғу. Йўлак эса то бинога бора-боргунча ёп-ёруғ. Ҳали у ердаги шарт-шароитни кўриб, отангга раҳмат, дейсиз. Бинонинг ичида оддий йўловчилар учун ҳам, мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳлар учун ҳам барча шароитлар етарли. Иссиқ-совуқ сув, ҳожатхоналар тоза, бошқа жойлардаги каби расво эмас. Поллардан тортиб, шифтларгача иситилади. Кафеларида эса мазали таомлар тайёрланади. Намозхона ҳам қуриб қўйибди, барака топгур. Намозхона бўлганда ҳам антиқа — ой шаклида, ёнидаги минора узра эса юлдуз чарақлаб турибди, гўё. Нимасини айтай, ахир одамнинг юзига қараб ҳам унинг қандайлигини билса бўлади. Бу “Динур” дегани нақд “Шимол дарвозаси” нинг, демакки, мамлакатнинг юзи бўлибди. Ҳали борганда кўрасиз, деб олдимга тушиб йўл бошлади.

— Ўша танишингиз тўғри айтибди, — деди Давронбек кўришиш учун қўл чўзар экан. — Фақат у киши айтган жой бу ердан уч юз километр нарида. Истасангиз, у томонларга ҳам борамиз. Аввал сизга берган ваъдамни бажаришим керак. Сиз айтган жойларнинг барчаси мана шу Устюрт аталмиш чўлу биёбоннинг ичида. Устюрт — шу номдаги супа бўлиб, Ўрта Осиёнинг ғарбида, Манғишлоқ ва Қора бўғоз кўли ўртасида, ғарбда Орол денгизи ва шарқда



Амударё ирмоғида жойлашган. Айтишларича, Устюрт Осиё билан Европанинг ҳадди. Унинг умумий майдони 200 минг кв. километрни ташкил этади. Саёҳатчилар учун автомобиль юриши мумкин бўлган бор-йўғи икки маршрут очиқ холос. Уларнинг бири мана шу биз бораётган трасса маршрути. Қолган жойлар бу ҳудудга хос шувоқ ва шўра каби ўсимликлар билан қопланган бийдай чўл ҳамда тоғсимон пасттекисликлардан иборат. Олимларнинг айтишига қараганда, Устюрт миллион йиллар нарида денгиз туби бўлган. “Супа”нинг баландлиги баъзи жойларда 300 метрга етиши ҳам шундан далолат бериб турибди. Устюрт ҳақида маҳаллий аҳоли ўртасида турли афсоналар юради. Масалан, кимдир бу ерда тунлари ёнар чироқларни кўрганман деса, бошқа бировлар кундузлари саробларга рўпара келганини айтади. Хуллас, Устюрт турган-битгани жумбоқ. Супа, деб бекорга айтишмайди-да. Бундан ташқари инсон ўз тасаввурида ҳам кўп нарсаларни яратадики, кўпинча улар воқеликдай тақдим этилади. Яна ким билади, дейсиз...

Устюртда бир нечта машҳур ороллар бўлган. Жумладан, “Борса келмас”, “Қашқа қулон”, “Уяли”, “Бийик тоғ” ва ҳоказо. Ривоятларда ўша “Борса келмас” оролида Абдураззоқ исмли киши ўтгани, унинг бу ерларда гоҳ-гоҳида пайдо бўладиган учар ойнадан маълумотлар ола бошлагани айтилади. Ана шундай башоратларидан бирини Абдураззоқ оқсоқол 1960 йиллар бошида қилади. Гап инсоннинг коинотга учиши ҳақида бўлган экан. Эсланг, 1961 йил 12 апрелда эса ўша воқеа юз берган. Айтишларича, ўн тўққизинчи асрнинг 20-йилларида бу ерларда бутун бошли топографик экспедиция тўсатдан йўқолиб қолади. Уларни уч ой қидиришади. Аммо топилмайди. Бироқ орадан бирмунча вақт ўтиб, йўқолганлар ўз уйларида экани маълум бўлади. “Шу пайтгача қаерда эдинглар?” деган саволга эса улар бир овоздан: “Оролда бор-йўғи уч кун бўлиб қайтганмиз” деган жавобни беришган. Хуллас, бу каби ривоятлар истаганча топилади.

“Ласетти”миз катта йўл бўйлаб елиб бормоқда эди. Бир пайт кўзим “Борса келмас” деб ёзиб қўйилган тунука кўрсаткичга тушди. Юрагим бир қалкди: ҳозиргина номи тилга олинган афсонавий жойни кўриш орзуси ушалгандай бўлди. Ҳайдовчи машинани сал наридан қайтариб келиб, ўнгга бурди. Биз текис йўлга тушдик. Энг қизиғи, чўлга томон тобора ичкарилар эканмиз, қаттиқ йўлимиз юмшаб, чуқурчалар ҳосил қилиб борарди. Йўлга кўп миқдорда тош ёткизилган бўлса-да, гўё хамир устидан бораётгандек ҳаракат қилардик. Ана шундай жойларга келганда машинамиз секинлаб, худди тоғни ошиб пастга тушгандай титрай бошлайди. Яхшиямки, юк машиналари йўл солиб қўйибди, акс ҳолда юришимиз бундан ҳам қийин кечиши тайин эди. Яна бир қизиғи — йўлга ташланган тош, кўзимиз ўрганиб қолган шағал эмас, балки тоғ жинслари эди. Ана шу тариқа катта йўлдан йигирма километрлар чамаси ичкариладик. Бир пайт машинамиз пастликка эна бошлади. Шундагина мен ердан чамаси юз метрлар баландликда бораётганимни сездим. Яна бир қатлам пастликка тушганимиздан сўнг қаршимизда буюк бир кенглик пайдо бўлди. Бу кенглик устига оппоқ ҳарир рўмол ёпилгандай то уфққача туташиб кетган эди.

— Афтидан, “Борса келмас”га келдиг-ов, — дедим ҳайратим ошиб... Аммо!..Наҳотки, Қозоғистон ҳудудини кесиб ўтдик?

— Бу жойларга келган сайёҳларнинг энг кўп айтадиган сўзлари “аммо” бўлади, — деди кулиб ҳамроҳим. — Чунки бу супада одам ўнгтесини адаштириб қўяди... Сиз кўриб турган жой “Борса келмас” туз кони. Тўғриси, биз бормоқчи бўлган орол қайси томонда эканини ҳозир ўзим ҳам англамай қолдим. Ҳа, бу жой туз кони. Ҳу, ана тепловоз юрибди. Ҳар куни мазкур кондан сода заводига вагонлаб туз ташиб кетилади. Супанинг бошқа бир четидаги “Ёмонсой”дан эса оҳак олиб келиниб, уларни пишириш натижасида сода ишлаб чиқарилади. Аслида бу жуда мураккаб жараён.



*Қўнғирот сода заводига 2006 йили асос солинган. 2012-2015 йилларда у кенгайтирилган. Кальцийланган сода етказиб берувчи бу корхона Ўрта Осиёда ягона. Йилига 200 минг тоннагача ана шундай сода ишлаб чиқаради. Асосий харидорлари сафида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон каби давлатлар бор.*

Тўхтадик. Ҳайдовчимиз илгари юришни истамай:

— Бу жойларнинг ҳар бир қаричи ош тузи билан қопланган. “Ласетти”ни яқиндагина сотиб олдим. Ортиқча туз илашишини хоҳламайман, — деди у тескари қараб.

> ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ҚУРИБ БИТИШИДА, УНДАГИ ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИНГ ҚИРИЛИБ КЕТИШИДА ФАҚАТ АМУ ВА СИРНИНГ СУВЛАРИ ЕТИБ КЕЛМАГАНИ САБАБ ЭМАС.

Шундай қилиб, “Борса келмас” йўлидан бориб, туз конига йўлиқдик. Демак, катта йўлга қўйилган йўл кўрсаткич шунчаки ҳазилга ёки сайёҳларни туз конидан чалғитиш учун осилган бўлса-чи? Зотан, “Борса келмас” деган ном даставвал ҳар қандай кишида қўрқинч, ҳаяжон уйғотади...

Ортга қайтдик. Устюрт супаси бўйлаб қадим-қадимда карвонлар ўтгани тарихдан маълум. Жумладан, Манғистоғ ҳудудидаги Чўпон ота ва Бекет ота масжидларининг вайроналари бунга далил. Аммо бу тарихий обидалар биз бораётган катта йўлдан жуда олисларда экани, у жойларнинг зиёратига бошқа йўллардан бориш зарурлиги, бунга эса бу сафар бизнинг имконимиз йўқлигидан кўнглимиз чўкиб, юришда давом этдик. “Борса келмас” кўрсаткичидан 200 чақиримлар ўтганимиздан сўнг ўнг томонимизда, катта йўлдан ичкарида бир ёдгорлик кўзга ташланди. Машинамизни ўша томонга қайирдик. Маълум бўлишича, мазкур ёдгорлик ўтган асрнинг 50-йилларида шу ерда ҳалок бўлган Устюртни ўрганиш экспедицияси аъзоси Ленинград давлат университетининг талабаси Елена Серебряковскаяга қўйилган ёдгорлик экан.

Йўлда давом этамиз. Эллик чақиримлар юрганимиздан сўнг ўнг тарафимизда “Жаслиқ” қўрғони кўзга ташланади. Ўтган асрнинг 80-йилларида бу ерда ҳарбий полигон бўлгани айтилади.

Бир пайтлар “Бийик тоғ” ороли номи билан танилган оролни эса дастлаб кашф этган сайёҳ уни “Николай 1” деб, рус императорининг номи билан шарафлаган. Собиқ совет иттифоқи даврида эса бу орол “Возрождения” деб атала бошлади. Интернет маълумотларига кўра, у бир пайтлар ободгина жой бўлган. Турли чўл ҳайвонлари, денгизда балиқларнинг юзлаб тури сузиб юрган. 1948 йилда биокимёвий ҳарбий полигон қурилиб, маҳаллий аҳолининг овчилик билан шуғулланишига чек қўйилган. Балиқни қайта ишлаш заводи фаолияти тўхтатилган. Унинг ўрнида ҳарбий полигон қад кўтарган. 1960 йиллар бошига келиб орол ярим оролга, 2009 йилдан эса материкка қўшилиб кетади. Бир сўз билан айтганда, бу табаррук заминда 1942-1992 йиллар орасида “Бархан” номли биокимёвий полигон фаолият кўрсатган. Айтилганларнинг барчасидан маълум бўлмоқдаки, Орол денгизининг қуриб битишида, ундаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қирилиб кетишида фақат Аму ва Сирнинг сувлари етиб келмагани сабаб эмас. Шунингдек, бу жойларда оммавий қирғин қурол воситаларининг кенг миқёсларда синов тажрибаси ўтказилгани ҳам сабаб бўлгани эҳтимолдан узоқ эмас.

Ана шундай хаёллар билан самаралик танишим айтган “Довуд ота” чегара постига етиб келганимни сезмай қолдим.

— “Довуд ота” чегара постидаги мажмуамиз 2016 йилда очилган, — дейди “Динур” фирмасининг раҳбари Даврон Қўчқоров. — Бу ердаги ва Элободдаги мажмуаларимизнинг ҳар иккаласида ҳам мижозлар учун бир хил шарт-шароит яратганмиз. 2012 йилда Оқшўлоқ посёлкаси яқинида давлатимиз томонидан газкимё комплекси қурилиши режалаштирилиб, иншоотни барпо этишда чет эллик мутахассислар ҳам иштирок этиши кўзда тутилганди. Шунда “ишбилармон томирим” иш бериб қолди: Бу ерга чет эллик мутахассислар келадиган бўлса, уларнинг ётиб-туришлари, еб-ичишлари учун арзирли кафе ва меҳмонхоналар йўқ. Демак, қуриш керак, деб ўйладим. Албатта, бу ҳақда ҳукумат ҳам қайғуради. Аммо ҳукуматникининг ёнида хусусий кафе ва меҳмонхоналар бўлса, ярашмайдими... Элободда кўрган мажмуангиз ўрнида ташландиқ автобекат бўлгувчи эди. Биз — “Динур” таъсисчилари ўзаро кенгашиб, ўша бекатни сотиб олдик ва унинг ўрнида кафе ва меҳмонхоналар қурдик. Газ-кимё қурилиши кенгайган сари бизнинг ишимиз ҳам юришиб кетди. Корея фирмалари ва Германиянинг “Сименс” фирмасидан келган мутахассислар доимий мижозларимизга айланди. Уларни қўлдан чиқармаслик учун ўзимизнинг “Устюрт — Бомбаяж” (Оқ йўл — Устюрт) комплексимизга Жанубий Кореядан ошпазлар таклиф қилдик. Ошхонамизни компьютерлаштирдик. Ҳар бир столга официантга хабар берувчи ва буюртма олишдан тортиб таом тайёрланиб, мижознинг олдига қўйилгунча бўлган жараённи ўз ичига олган КДС тизимини ўрнатдик.

Гап шундаки, одамнинг кўнглини олиш қийин. Муаммо фақат чет эл фуқаросида эмас. Эндиликда атрофимиздаги қурилишлар ниҳоясига етиб, бу ерларда чет эллик мутахассисларнинг оёғи сийраклашган бўлса-да, ошхона ва меҳмонхоналаримиздаги ўринларни янги-янги сайёҳлар эгаллашмоқдаки, бундан миннатдормиз. Бир ишни қилгандан кейин уни одамларга манзур бўладиган даражада, сифатли бажариш лозим. Юртимизга дастлаб қадам қўйган одам биз ва бизга ўхшаганларнинг ишига қараб баҳо беради. Устюрт супасида ташкил этилган ҳар иккала комплексимиз ҳам туризм соҳаси бўйича Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг дастурига киритилган. Бугина эмас, ҳар куни минглаб юртдошларимиз шу йўлдан ўтади. Мақсадимиз чет эллик сайёҳлардан ҳам илгарироқ бегона юртларда мингбир таҳлика билан меҳнат қилиб қайтаётган ёки тирикчиликка бораётган ўзимизнинг юртдошларимиз кўнглини топиш, бир нафас бўлса-да, уларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқариб, йўлларини хотиржам давом эттиришларига кўмаклашиш.

Ҳамроҳимнинг бу сўзларидан сўнг бизнинг ҳам “Борса келмас”ни қидириб чеккан заҳматларимиз, эски полигонлар биноларининг томларини узоқдан кўрибоқ вужудимизда пайдо бўлган ҳадиксирашлар аригандай бўлди. Яхши гап — яхшида.

**Ёкубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ.**

*Тошкент — Устюрт — Тошкент.*

**» Хоразмдан хабарлар**

## Янги экологик боғ

Мамлакатимиз парламентига сайловлар йилида сиёсат майдонида илк бор рақобатга киришаётган Ўзбекистон Экологик партияси атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Чунончи, партиянинг Хоразм вилоят ташкилоти Экоҳаракатнинг ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда қишлоқ жойларида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида, Боғот, Янгиариқ ва Шовот туманларида учта сувни тозалаш ускунаси ўрнатди. Шунингдек, партия фаолларининг саъй-ҳаракати билан Урганч тумани ҳудудида 12,5 гектар майдонга манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилиб, янги экологик боғ барпо этилди.

Тошкент Тиббиёт академиясининг Урганч филиалида сўнгги икки йил давомида 60 нафар таниқли хорижлик олимлар турли касалликларни даволашдаги муаммолар ечимига бағишланган машғулотлар ўтказди. Бундай машғулот ва семинарлар ёшларда катта таассурот қолдирди.



## Ҳамкорликда ҳикмат кўп

— Айниқса, россиялик таниқли профессор, тиббиёт фанлари доктори Виталий Ковальчукнинг белдаги оғриқ, ташхис ва даволашнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган маҳорат сабоқлари менга жуда манзур бўлди, — деди талаба Фазилат Отабоева. — Бу машғулотда биз инсон умуртқа поғонаси касалликларини даволашдаги сўнгги янгиликлар билан танишдик.

Шунингдек, мазкур олий таълим даргоҳи профессор-ўқитувчилари ҳам чет элларда тажриба орттиришга муваффақ бўлмоқдалар. Чунончи, тиббиёт фанлари доктори Меҳрибон Юсупова Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтган “Акушерлик ва гинекология кунлари” халқаро конгрессида қатнашиб, мазкур йўналишда жаҳон тиббиётида эришилаётган ютуқлар билан танишиб қайтди.

**Алишер РАҲМОНОВ,**
“Hurriyat” мухбири.

**» Саховат**

Муҳтожларга кўмак бериш, беморларнинг ҳолидан хабардор бўлиб, дуосини олиш чин инсоний бурчдир. Рамазон кунларида “Экосан” экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди хайрли ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда.

## Кўпнинг дуоси

Жумладан, Оролбўйи ва чегара ҳудудларида жойлашган тиббиёт муассасаларининг аҳолига бир меъёрда сифатли тиббий хизмат кўрсатиши учун кўмаклашиш мақсадида, “Саховат” хайрия акциясини амалга оширди. Тадбир доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда тиббиёт муассасаларида даволанаётган беморларга дори-дармон воситалари топширилди. Фонднинг Тошкент шаҳар филиали директори М.Мирсобировнинг маълум қилишича, жойларда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш ва беморларни дори воситалари билан таъминлаш ишларига йўналтирилган маблағ 170 миллион сўмни ташкил этган.

**Феруза ЗОИР қизи.**

**Танлов**

Тошкентдаги “Ёшлар ижод саройи”да пойтахтимизда фаолият юритаётган “Registon” ўқув маркази томонидан ташкил этилган анъанавий “Эсселар танлови” ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танлов бу йил давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш ташаббуснинг бири — ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш, истеъдодини юзага чиқаришда муҳим омил бўлаётган биринчи ташаббусга бағишланди.

Қарийб икки ой — 2019 йилнинг 25 мартида бошланиб, 10 майигача давом этган республика танловида 13 ёшдан 30 ёшгача бўлган бир неча минг ёш ижодкорлар иштирок этишди. 200 нафар қалам соҳиби танлов ғолиби бўлди. Биринчи ўрин “Менинг ҳаётим” мавзуидаги эссеси учун янгийўллик Аббос Нуруллаевга (20 ёш) берилди.

Қуйида унинг ижодий ишини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.




# Менинг ҳаётим

***Ҳаётда иккита жуда муҳим кун бор: бири сен туғилган кун, яна бири нима учун дунёга келганингни англаган кун.***

**Марк ТВЕН.**

Мен дунёга келдим!

Барча қатори чақалоқлигим, боғчадаги вақтим, мактаб ва коллеждаги даврим ўтди. Олий ўқув юртига имтиҳон топширдим, аммо ўқишга кира олмадим. Ҳозирда ўқув курсларида ўқияпман. Ҳамма қатори ўйлайдиган бўлсам, мен келажагимни тахминан мана бундай тасаввур қиламан: “Олий ўқув юртига амаллаб контрактга илиндим. Ўқияпман, биринчи курсни тамомладим. Иккинчи йил эса билдимки, ўқимасам ҳам, фанларни сессия вақтида амаллаб ёпсам бўлар экан, тўғри, ҳаммасини эмас, аммо кўпчилигини. Тезлик билан билим ўрганишни ташлаб, пул топиш мақсадида ишлашни бошладим. Кечаси ишлаб, кундузи ўқишга бориб юрдим ва бу кундалик ҳаётим диплом олгунимгача давом этди. Ўқиш тугади, қўлимда амаллаб олинган дипломим бор, аммо дипломимга яраша билимим йўқ, ойлигим ҳам қониқарли эмас. Шу тариқа ҳаётим давом этяпти.

Оила қуриш вақти келди. Тўй қилиш лозим, унинг учун эса пул керак. Яқинларимдан қарз ёки банкдан кредит оламан, нима бўлганда ҳам иккаласини ҳам тўлаш керак. Оила қурдим, ҳаётим эса борган сари қийинлашиб бормоқда. Фарзандларим дунёга келди, уларга алоҳида эътибор беришим лозим, тарбиясига, қизиқишларига ва ҳоказо. Аммо бунинг учун менда вақт йўқ. Ваҳоланки, оиламни боқишим ва тирикчилик учун ишлашим керак. Шу тариқа менинг ёшлигим фарзандларимда акс эта бошлайди. Мен яна шу аксимни йиллар давомида кузатаман. Ташқаридан кулиб, хурсанд бўлиб юришим мумкин, аммо ичимда йиғлаб ҳаёт кечираман.

Албатта, ҳаммамиз бу ҳаётни вақт-соатимиз етган пайтда тарк этамиз. Бу дунёдан ўтдим, у ерда менга савол бера бошлайди: “Сен ўтказган ҳаётингдан хурсандмисан?” “Берилган неъматларнинг барчасидан унумли фойдаландингми?” Ўйлаб кўриб, жавобан мен “йўқ” дейман, ваҳоланки, шундай ҳам. Мана шу жойда яна бир савол берилади: “Нима сабабдан?” Айнан шу саволни эшитиб, жавоб топа олмайман. Ўша вақтдагина ҳаётга нима сабабдан келдим-у, вақтимни нималарга сарфладим, ҳаммасини шундагина англаб етаман. Англаб етганимда эса жуда кеч бўлади.”

Юқоридаги ҳаёт тарзи аксариятимизда бир хил, буни инкор эта олмаймиз.

Менга Яратган яна бир неъмат берди, ҳаётга нима сабабдан келганимни англатиб қўйди. Мен буни иккала қўлларим билан ушлаб олганман, уни ҳеч қачон қўйиб юбормайман.

Ҳаётни англаб етганимдан сўнг қуйидагича фикрлай бошладим: “Ҳаётда иккита асосий неъмат бор, биринчиси ҳаётдаги ролимиз ва иккинчиси ўзлигимиз. Булар иккаласи бир-бири билан узвий боғлиқ. Ролимга тўхталадиган бўлсам, мен ота-онамнинг фарзандиман, қариндошларимга ака, ука ёки жиянман. Қисқаси, ҳозирги барчамизнинг ҳаётимиз бу ролимиздир. Бу ролга баъзилар жуда ҳам берилиб кетишган. Ўзлигимга тўхталсам, мен ота-онам сабабли синовли дунёга келган бир инсонман, танам менга вақт сифатида ва мақсадларимга эришиш йўлида берилган бир неъмат. Танам қаригани сари, менинг вақтим камаймоқда. Агар ўртача ўлим ёши 70 ёш бўлса, мен ҳаётимнинг салкам учдан бир қисмини яшадим. Яратгандан чексиз миннатдорман, чунки Оллоҳ насиб этса, қолган икки қисмини ўзлигимни англаган ҳолда яшаб ўтаман.

Мен олдимга учта олий мақсад қўйганман: кўпроқ ва чуқурроқ билим ўрганишим;

ўрганганларимни ҳаётга тадбиқ этиб, инсонларга етказишим; мен ва турмуш ўртоғим сабабли дунёга келадиган инсонларни ҳаётга тўғри йўналтиришим ва нима сабабдан келганликларини англатишим шарт!

Ҳа, ҳаётимни мана шу мақсадларимга бағишлайман. Албатта, чалғиш жуда ҳам кучли бўляпти, ҳаётдаги ролим мени ўзига тортаяпти, бу табиий ҳол, чунки 20 йилдан буён фақатгина роль ўйнаб келдим, аммо мен бўш келмайман ва мақсадим сари дадил ҳаракат қилиб, барчасига эришаман!

Сўзимнинг сўнггида бир таклифим бор, ролингиздан чиққан ҳолда “ҳаётга нима сабабдан келдим?” деб ўзингизга савол бериб кўринг, англаб етишга ирodaнгиз етса, ишонаманки, ҳаётингиз тубдан ўзгаради, бу ўзгаришни эса тил билан изоҳлаб бўлмайди, буни ўзингиз бутун вужудингиз ила ҳис этиб кўришингиз керак.

Ҳаётни англанг!

**Аббос НУРУЛЛАЕВ.**

**Дунёда нима гап?**

## Зеленский Украина Олий Радасини тарқатиб юборади

Зеленский ҳукумат аъзоларини кейинги сайловлар ҳақида эмас, кейинги авлодлар ҳақида ўйлайдиганларга ўз жойларини бўшатиб беришга чақирди. Бундан ташқари, янги президент Олий Рададан мамлакат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазири ва бош прокурорни истеъфога чиқаришни сўради. Украина қонунчилигига кўра, давлат раҳбари парламент учун айнан ушбу лавозимларга номзодларни тақдим этишга ҳақли.

Зеленский ўз нутқи давомида бутун дунёдаги украинларга қарата, янги, кучли ва муваффақиятли давлат қуришга ҳисса қўшадиган кишилар учун мамлакат фуқаролигини беришга тайёрлигини билдирди. “Биз ўз ватанини ҳимоя қилишда исроилликлардек, технология бўйича японлардек, аҳил яшашда швейцарлардек бўлишимиз керак”, деди Зеленский. Шунингдек, у президент лавозимидаги биринчи вазифаси Донбассдаги урушни тўхтатиш бўлишини айтди. Ушбу нутқдан сўнг Олий Радада олқишлар янгради.

Мамлакатнинг янги раҳбари Украина қуролли кучлари олий бош қўмондони ваколатларини ўз зиммасига олиши тўғрисидаги илк фармонни имзолади.

Айни пайтда Украина аҳолиси янги президентдан нима кутаётгани ҳақида “112 Украина” ҳамда “NewsOne” телеканаллари сўровнома ўтказгани тўғрисида “РИА новости” хабар қилди. “Муҳими, у инаугурация нутқида берган ваъдаларини бажарса бўлгани. Бизга тинчлик, тинчлик ва яна тинчлик керак”, деди сўровномада қатнашганлардан бири. Улардан яна бири янги давлат раҳбаридан коррупционерларни қамоққа тиқишини ва мамлакатда тартиб ўрнатишини сўраган. Бошқа бири эса Олий Радани тарқатиб юборгач, ўрнига билимли, сиёсий жиҳатдан етук, ўз вазифасини тўкис бажарадиган ёшларни қабул қилиш кераклигини билдирган.

Қисқаси, анча йилдан буён тинчи йўқолган Украина аҳолисининг янги президентдан умиди катта. Ҳаммасини эса вақт кўрсатади.

## Фаластинликлар учун ифторлик

**Исроилнинг 4-5 май кунлари Ғазо секторида амалга оширган ҳужумлари туфайли 25 фаластинлик ҳалок бўлиб, 150 нафари яраланган эди.**

Ушбу охирги ҳужумдан кейин вайронага айланган уйлар орасида 650 фаластинлик учун ифтор дастурхони ёзилди. Бу хайрли ишни Буюк Британияда жойлашган “Ал-хайр” хайрия жамғармаси ташкил этди. Жамғарма вакили Ражаб Аталлоҳ Рамазон ойида уйлари ёниб кул бўлган фаластинликларга оз бўлса-да, руҳий далда бериш мақсадида хайрияга қўл урганини билдирди.

## “Араб НАТОси”нинг тақдири нима бўлади?

**Американинг “Араб НАТОси” лойиҳаси омадсизликка юз тутмоқда. Миср Яқин Шарқдаги иттифоқдошлари ва Москва билан муносабати бузилишини истамаётир. Америка эса Қоҳирасиз ушбу лойиҳани амалга ошириш ва арабларни ҳарбий-сиёсий блокка бирлаштиришга эришармикин?**



“Араб НАТОси”нинг асосий тарафдорлари Эроннинг бош мухолифатчилари — Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари. Бу мамлакатлар раҳбарлари АҚШга “Хавфсизлик ҳақида пакт” имзолашни таклиф этишган эди. Ушбу ҳужжат расман “Яқин Шарқ стратегик бирлашмаси” сифатида қабул қилиниб, “Араб НАТОси” деб атала бошланган. Ҳужжатда аниқ-тиниқ кўрсатилганидек, янги блокнинг асосий вазифаси Эроннинг Яқин Шарққа тажовузини тийиб туришдан иборат. Иттифоқдошлар айни пайтда шундан умидвор. Вашингтон эса Яқин Шарқ мамлакатларининг кўпи Москва билан муносабатни қадрлашини тушуниб етган ва Россияга қарши айтилган ҳар қандай ортиқча сўз Араб иттифоқчиларини чўчитиб юбориши мумкин, деган фикрда.

## Ҳиндистон: сайловнинг якуний босқичи

**Ҳиндистондаги сайловлар овоз берувчилар сони бўйича тарихдаги энг кўламлиси бўлиши мумкин. Негаки, жараёнда 900 миллиондан кўпроқ сайловчи қайд қилинган.**



11 апрель куни мамлакатда бошланган умумий парламент сайловларининг якунловчи босқичи 19 майда бўлиб ўтди. Мазкур охирги босқич Бихар, Жаркханд, Ғарбий Бенгалия, Мадхя-Прадеш, Панжоб, Уттар-Прадеш, Химачал-Прадеш ва иттифоқдош ҳудуд — Чандигархда ўтган. Сайловлар барча — 29 штат ва 7 иттифоқдош ҳудудда 7 босқичда: 11, 18, 23 ва 29 апрель ҳамда 6, 12, 19 май кунлари бўлиб ўтди. Натижалар эса 23 май куни эълон қилиниши кутилмоқда. Энг кўп овоз олган партия ҳукмрон коалиция тузиш, ҳукуматни шакллантириш ва Бош вазирни тайинлаш имконига эга бўлади.

**Интернет материаллари асосида**
**Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.**

TURON BANK

**“ТУРОНБАНК” АТБ**
**ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАР АСОСИДА ТЕЗКОР ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИ АЖРАТАДИ**




Банкнинг ипотека кредитлари ҳисобига кўп қаватли уйлардан квартира сотиб олинг ва акцияда иштирок этиб, **“SPARK” автомашинаси соҳибига айланинг.**

Оҳангарон шаҳри, Гулистон мавзесидаги уй-жойлар учун ажратиладиган кредит йиллик –
**16 ФОИЗДАН 18 ФОИЗГАЧА.**

**1 ҚАВАТ НОТУРАР ЖОЙЛАР — келишув асосида баҳоланади.**

**2 ХОНАЛИ УЙЛАР — 203 000 000 сўм.**

**3 ХОНАЛИ УЙЛАР — 200 000 000 сўмдан 238 000 000 сўмгача.**

ИПОТЕКА КРЕДИТИ АСОСИДА ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР:

| Хонадонлар | Жами сони (дона) | Майдони (кв.м) |
|---|---|---|
| 2 ва 3 хонали | 48 | 58 – 71 |

*Кредит олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:*

– шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт);
– охирги 12 ой учун даромадлари тўғрисида маълумотнома.



**“ТУРОНБАНК” АТБ**
томонидан ажратилаётган кредитлар қисқа муддатларда кўриб чиқилади ва расмийлаштирилади.

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, 100011, Абай кўчаси, 4 “а”-уй.**

**Боғланиш учун телефон рақамлар:**
**+998 95 144 60 00**
**+998 99 878 19 29**
**+998 90 930 82 28**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама

## Озод Шарафиддиновнинг 90 йиллигига

Шундай китоблар борки, уларни ҳар қайта ўқиганингда янги асарни қўлингга олгандек бўласан, таниш қаҳрамонлар билан қайта учрашасан, мулоқотга киришасан, баҳслашасан, тафаккуринг тиниқлашади, ўй-фикринг ўзгаради. Фақат китобларни эмас, юксак ижодий салоҳият, журъат ва жасорат билан ёзилган машҳур публицистик асарларни ўқиганингда ҳам шундай бўлади.

# Озод домланинг иккинчи йўли



Адабиёт ихлосмандларига яхши маълум — ижтимоий юки бақувват, тили ширали публицистик асар роман ёки қисса каби йиллар давомида ёзилиши, бунинг учун кўп вақт сарфланиши мумкин. Бунга Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сини, Оноре де Балзакнинг “XX аср француз ёзувчиларига мактуби”ни, Фитратнинг “Шарқ сиёсати” асарини ёки Уэльс шаҳзодаси Чарльзнинг “Ислом ва Ғарб” эссе-маърузасини мисол сифатида келтириш мумкин. Уларни қалам билан эмас, қалб амри билан ёзилган асарлар десак тўғрироқ бўлади.

Ҳар гал шу каби машҳур асарларни қўлимга олганимда, муаллифларнинг бошқаларникига ўхшамайдиган ўй-қарашлари, аниқ фактлар, реал ҳаётий воқеликка асосланган, кучли мантиққа қорилган мушоҳадалари вужудимни чулғаб олади. Толстойнинг бундай буюк иқрорга келиши қандай кечди экан, Фитрат домла овруполикларнинг Шарққа юришлари замиридаги мақсад-муддаони аввало ўзи тушуниб олиши ва уни бизга содда-равон тилда тушунтириб бериши учун қанча вақтини сарфлади экан, деган саволлар гирдобида қоламан.

Устоз Озод Шарафиддиновнинг донишманд Суқрот ҳақидаги “Ҳақиқат излаган донишманд” мақоласини шу асарлар ёнига бемалол қўйиш мумкин. Уни ўзим учун қайта-қайта ўқийман, дорилфунундаги сабоқларимда талабаларга тушунтираман, суҳбатларимда иқтибослар келтираман. Ҳар галги мутолаа менга янги-янги маъно-мушоҳадаларни ҳадя этади, Озод домла битган сатрлар орасидан янги-янги хулосалар, тушунча ва идрок ҳосилалари бўй кўрсатаверади, бу ёруғ оламда яшаш, умргузаронлик қилиш тўғрисидаги тасаввурларим гоҳ юксакликка кўтарилса, гоҳ чилпарчин бўлиб кетади.

Суқрот умр бўйи ҳақиқатнинг чин ва ўзгармас моҳиятини излаб яшади. Фалсафа илмининг маъно-мағзини идрок этди, адолат ва разолат, садоқат ва хиёнат, яхшилик ва ёмонлик каби бир-бирига мангу ҳамроҳ тушунчалар борасида бошқалардан кўра кўпроқ бош қотирди. Суқрот топган Ҳақиқатни каттакон боғга қиёсласак, Озод домланинг ушбу мақоласи ана шу боғ эшиги пештоқига ёзиб қўйилган кириш сўзларидир.

“Суқрот инсон ҳаётидаги лаззатларни икки гуруҳга бўлади, — деб ёзади устоз,—уларнинг бири инсонни нобуд қиладиган, ҳалокатга бошлайдиган, нафсини қондиришга қаратилган лаззатлардир. Шароб, лаззатул-нисо, қимор ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Айни чоқда, санъат асарларидан, ҳайкаллардан, нотиқлик санъатидан олинадиган лаззат бор. Бу лаззат инсон руҳини юксалтиради, унга қанот бағишлайди. Аммо одамлар кўпинча гўзаллик лаззатига бефарқ қолиб, бутун вужудлари билан нафс лаззатига шўнғийдилар. Суқрот бунинг асосий сабабини нодонликда кўради. Кейинроқ, атрофлича мулоҳаза юритиш натижасида дунёдаги ҳар қандай ёвузлик, ҳар қандай ёмонликнинг илдизи нодонликда, билимсизликда, бехабарликдадир, деган хулосага келади”.

Бу дунёда одамлар ёппасига фалсафа билан шуғулланмайдилар ва тўғри қиладилар. Ҳамма олим, айниқса, файласуф бўлиб кетса, ҳаёт деганлари билимдонлик мусобақасидан иборат бўлиб қоларди. Не бахтки, бундай эмас. Бинобарин, атрофимизда Суқротдек донишмандни ўқимаган, билмаган кишиларнинг кўплигига ажабланмаса ҳам бўлади. Бироқ, Озод домланинг мақоласида Суқротнинг ихтиёрий бир танлови ҳақида ғоят чуқур ва таъсирчан гап борадики, уни билиб қўйиш нафақат файласуфларга, бошқа жамики касб эгаларига ҳам зарур деб ўйлайман.

Суқрот ўзининг ўта ҳаётий, таъсирчан мулоҳазалари, кескин, аммо рад этиб бўлмайдиган хулосалари билан халқ, айниқса, ёшлар орасида катта обрў-эътиборга эга бўлади. Унинг кучли мушоҳадалари олдида ожиз қолган, баҳсда енгилган, саволларига жавоб бера олмай мулзам бўлганлар, худди бугунгидек, ҳасад ўтида ёниб, олимга туҳмат қилишади. “Суқрот ёшларни тўғри йўлдан оздирмоқда, нотўғри, зарарли ташвиқот юргизмоқда”, деб Афина кенгашига шикоят ёзишади. “Кенгаш йиғилиб, Суқротнинг иштирокида ғанимлар ёзган шикоятни кўриб чиқади. Суқрот сўзга чиқиб, ўзига қўйилаётган айб бутунлай асоссиз эканини, унинг ёшларни йўлдан уриши ақлга тўғри келмаслигини исбот қилиб беради. Аммо ўша вақтларда ҳам ҳақиқатни туҳмат ва иғводан фарқлай олмайдиган кимсалар учун мантиқий далилларнинг қадри бўлмаган экан. Шаҳар кенгаши кўпчилик овоз билан Суқротни айбдор деб топади, унинг улуғ хизматларини инобатга олмай, олимни ўлим жазосига ҳукм қилади.

Ўша даврда Афина суд-ҳуқуқ тизимида шундай одат бор экан. Кенгаш судланувчи одамни айбдор деб топгач, маҳкум икки йўлдан бирини — махсус тайёрланган заҳарни ичиб ўлишни ёки умрининг охиригача Афинага қайтиб келмаслик шарти билан шаҳардан чиқиб кетишни танлар экан. Суқротгача айбдор деб топилган маҳкумлар бадарға бўлишни афзал кўришган ва шу билан жонларини сақлаб қолишган. Суқрот эса ўз ихтиёри билан заҳар ичишни танлайди. Шогирдларининг “Устоз, нега бундай қилдингиз?”, деган саволига: “Эҳ, нодонлар, мен умр бўйи нимани излаган эдим, бугун уни топганимда Ҳақиқатдан юз ўгирайми?”, деб жавоб беради.

Ўлимга маҳкум киши ҳар кунни эмас, ҳар соат, ҳар сонияни қандай ўтказишини тасаввур қилишнинг ўзи азоб. Суқрот умрининг сўнгги ўттиз кунини — у ичиши керак бўлган заҳар тайёр бўлгунича — садоқатли шогирдлари даврасида яна ўша севимли машғулоти — фалсафий баҳслар, мунозаралар, тафаккур сабоқлари билан ўтказади. Умрининг сўнгги соатларида ҳам қўлидан китоб тушмайди.

Суқрот ҳақида мақола ёзган Озод домла ҳам умрининг сўнгги йилларида донишманд устози каби тақдирнинг ғоят мураккаб танловига дуч келди. Оғир хасталикка чалиниб, кучли оғриқ азоби силласини қуритди. Домла олдида ҳам иккита йўл, биринчиси — тақдирга тан бериб, қолган умрини сиҳатгоҳу оромгоҳларда, сайру саёҳатларда, шогирдлари, дўст-қадрдонлари даврасида азизу мукаррам бўлиб юриш ёки машаққатли ижодни давом эттириш, касаллик хуружига, оғриқ азобига, ёзиш имкониятлари пасайиб бораётгани, кўзлари хира тортаётгани, бармоқлари дош бера олмай, сатрлар бир-бирига мингашиб кетаётганига қарамай, жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ўгириш, адабиёт ва санъат фидойилари ҳақида туркум хотиралар ёзиш, ёш ижодкорларга йўл-йўриқ кўрсатиш эди.

Домла иккинчи йўлни танлади. Бу йўл оғир хасталикдан қолишмайдиган даражада азобли бўлса-да, Озод домла учун ягона ҳаловат йўли эди. Бу йўл бадиий адабиёт ихлосмандларига “Миллатни уйғотган адиб”, “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?”, “Фан гўзаллик ҳисси билан тирик” каби йиллар синовига дош бера оладиган тадқиқотларни, Салмон Рушдига, Гарри Каспаровга, Муҳаммаджон Обидовга, Иброҳим Ҳаққулга ёзилган мактубларини, жаҳон адабиётининг 150 дан ортиқ дурдона асарларининг ўзбек тилидаги матнини, жаҳон адибларининг адабиёт ҳақидаги дурдона фикрларини, “Довондаги ўйлар”ни, ўзбек миллий матбуотининг фахри-ғурури бўлиб келаётган “Жаҳон адабиёти” журналини берди.

Домла раҳбарлигида қисқа вақт ичида журнал ўз йўли, овози ва мухлисларини топди. Собиқ иттифоқдош жумҳуриятларда адабий-бадиий нашрлар инқирозга юз тутиб турган, довруғи оламга ёйилган “Иностранная литература” журнали ҳам ҳолсизликдан чўккалаб қолган бир пайтда, ўзбек китобхонлари дунё адабиётининг ноёб намуналарини она тилида ўқий бошладилар. “Жаҳон адабиёти”, “Тафаккур” каби нашрлар ўзбекона миллий ғоя асосида қандай улуғ ният ва умуминсоний қадриятлар мавжудлигининг ёрқин нишонаси бўлди. Озод Шарафиддинов буни ғоят яхши англаганини эътироф этиш зарур.

Озод домла танлаган иккинчи йўл, у кишининг маънавий жасорати — устозни янада юксак чўққиларга кўтарди. Биз бугун шу чўққига қараб, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ижод аҳлига кўрсатаётган ғамхўрлигидан, яратилаётган кенг имкониятлардан, юртимизда кечаётган буюк янгиланиш жараёнидан илҳомланиб, домла бошлаган масъулиятли ишни давом эттираётганимиздан, “Жаҳон адабиёти” журнали дунёга янги мақомда бўй кўрсатаётган Ўзбекистоннинг маънавий минбарларидан бири бўлиб қолаётганидан ғоят миннатдормиз.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**
**“Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири.**

## Уюшма фаолиятидан

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Хоразм вилоят бўлими узоқ йиллар оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилган фахрий журналистлар ҳолидан хабар олиб келмоқда.

# Фазилатли ойда фазилатли ишлар

Жумладан, ҳаётини вилоят телевидениеси ривожига сарфлаб, қатор шогирдлар етиштирган телеоператор Бахтиёр Бўриевни йўқлаб борилганида, устоз бундай эътибордан жуда хурсандлигини таъкидлади. Шунингдек, 80 ёшни қаршилаган чинаккам матбуот фахрийси Болтабой Қурбонбоев ҳам уюшма томонидан кўрсатилаётган ёрдамдан миннатдорлигини билдирди.

— Умримнинг шижоатли йилларини журналистика — матбуотга бағишладим, — дейди Болтабой Қурбонбоев. — Бундан ҳечам афсусланмайман. Ёзган мақолаларим муштарийларга маъқул келган бўлса, мен шундан мамнунман. Бугунги нашрларни кузатиб, жамиятдаги муаммоларни борича ёзишаётгани, журналистларга журъат қайтганидан яна газетага қайтгим, ишлагим келади. Ёш касбдошларимга ҳавас қилаяпман. Аммо, жисмоний кучим таҳририятларга бориб ишлашга етмайди. Уйда бўлса-да, у-бу қорамаларни қоғозга тушириб турибман. Шогирдларга юбораяпман. Улар ҳам ҳар замонда чоп этаяпти. Бу ҳам кўнглимга оз-моз таскин беради. Йўқлаб келганларинг учун, унутмаганларингиз учун раҳмат!



# Журналистлар “Томчи” учун беллашади

“Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” кўмагида Швецария Тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилаётган “Томчи” танлови бўйича журналистлар учун тақдимот — давра суҳбати ташкил этилди.



“Томчи” мобил иловаси танловини ўтказиш билан боғлиқ мазкур матбуот анжуманини ўтказишдан асосий мақсад ҳам — сув-тежовчи технологиялар соҳасидаги янгиликлардан кенг жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишдан иборат эди.

Анжуманда вилоят оммавий ахборот воситаларида мазкур соҳани ёритиб келаётган журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган тақдимот — давра суҳбатида Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳасининг Жиззах вилояти бўйича логисти Ҳ.Равшанов иштирок этиб, танлов шартлари, муддати, ахборотни эълон қилиш ва тарқатиш юзасидан тўлиқ маълумотлар берди.

Шунингдек, тадбирда сувни тежайдиган технологияларнинг афзалликлари тўғрисида видеороликлар журналистларга намойиш этилди.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ.**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги NANO OMAD YUKSALISH МЧЖ тугатилади.
Ариза ва даъволар ушбу эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел: +99 738 71 27

## Тарбия

Ўсмирликдан бир нақл қулоғимизга қаттиқ ўрнашиб қолган: “Бир болага — етти маҳалла ота-она”. Фарзанд тарбияси ҳақида гап кетар экан, бугун ҳам уни ҳар қадамда эшитиш мумкин. Бу — халқимизнинг болапарварлиги, жонкуярлиги ва юксак масъулият ҳиссидан далолат.

# Қалбига қулоқ солинг

Лекин орамизда шундай ота-оналар борки, фарзандининг, ҳатто қайси таълим масканида, қайси босқичда ўқиётганини ҳам билмайди. Ё ҳаёт, ё мамот деб аталмиш тарбиядек ўта муҳим ишни ўз ҳолига ташлаб қўяётган ота-она фарзандининг келажагини ўғрилаётганини билармикин?

Иш, турмуш ташвишларига кўмилган ота-оналар фарзандим тўғри юрибди, деб ўзларини юпатишлари мумкин. Ҳаётнинг паст-баландини тўлиқ англаб етмаган ўсмирлар жиноят кўчасига кириб қолаётгани ана шундай хотиржамлик, бефарқлик ва ўзибўларчиликдан эмасмикин? Ҳа, ота-оналар, маҳалла-кўй, бутун жамият аҳли ғоят катта эътибор қаратиши керак бўлган жабҳада айрим ҳолларда кутилмаган муаммолар юзага келмоқда. Муаммолар орасида энг аянчлиси — ёшлар ўртасида кўпая бошлаган жиноятчилик.

Статистик маълумотларга қараганда, ҳуқуқбузарлик содир этган ёшларнинг 62,2 фоизи бўш вақтини кўчада, бемақсад ва назоратсиз ўтказади. Вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ота-оналарнинг иштироки таҳлил қилинганида, уларнинг 42,8 фоизи фарзандлари тарбиясига эътиборсиз экани, 48,7 фоизи болаларини етарли даражада тарбиялай олмасликлари аниқланган.

— Ёшларнинг, айниқса, ўсмирларнинг тарбияси бузилишида фақат ўқитувчи ёки ота-онанинг эмас, балки барчамизнинг айбимиз бор, — дейди устозларимиздан бири. — Айни пайтда қуруқ гап, статистика билан чегараланиб қолаяпмиз. Ўсмирларни тарбия қилишимиз борасида аниқ режалар йўқ. Маҳаллалар фаолларини, нуронийларни ўсмир ёшларга бириктириб қўйиш керак. Маҳалла фаоллари қайси боланинг эгри йўлдан юришга мойиллигини яхши билади.

Ёшлар иттифоқи ҳам бугунги кунда катта ишларни амалга ошириб, муаммоларни ечмоқда. Офатнинг боши — бекорчиликда, деб кўп гапирамиз. Ёшларни иш, таълим ва ҳунар билан таъминлашни янада кенгайтириш керак. Ҳар бир маҳаллада ёшларга ҳунар ўргатувчи марказлар бўлиши керак. Ўсмир бўш вақтини кўчада гап сотишга эмас, ҳунар ўрганишга сарфласин! Ёшларга таълим-тарбия бераётган педагогларнинг ўзи ҳам аввало тарбияланган бўлиши лозим. Ўсмирлар фақат ота-онасининг эмас, балки миллатнинг ҳам эртаси эканлигини асло унутмаслигимиз зарур. Ёшлар билан учрашувлардан шунга амин бўлдимки, ишсизлик — уларни ўйлантираётган энг катта муаммо. Бизнинг маҳалламизда турли хил касбга йўналтирувчи тўгараклар бор. “Ёш журналистлар” тўгараги шулар жумласидан. Ҳар йили 20-30 ўсмир шу гуруҳда малакали журналистлардан маҳорат дарсларини олади ва соҳанинг паст-баландини тушуниб олганидан кейин, ўзи хоҳлаган олий ўқув юртига ҳужжат топширади.

— Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир қилинишининг асосий сабабларидан бири оиладаги носоғлом муҳитдир, — дейди педагог Низомиддин Бозоров. — Ҳеч бир ота-она фарзандини қотил ёки ўғри бўлиб вояга етишини хоҳламайди. Аммо, барча ота-оналар ҳам ўз фарзандларига намуна, ўрнак бўла оляптими? Ўсмир ёшдаги фарзандини ота бемалол спиртли ичимликлар ичиладиган гапгаштакларига олиб борса. Боласига пул тутқазиб, сигарета олиб келишга жўнатса. Ёки кимнингдир молини «туя қилиб», хотиржам юрса. Бундай муҳитда улғайган фарзандлардан эртага қандай натижа кутиш мумкин? Бола, энг аввало, ота-онасидан андоза олади. Уларга қараб, оиласини «ё тўрга, ё гўрга тортади». Жабрини қанийди фақат ота-онанинг ўзи чекса. Ноқобил фарзанддан бутун жамият озор чекади.

— Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган жадал ислоҳотларнинг асосий мақсади — жиноят учун оғир жазони қўллаш орқали эмас, балки, жиноятларни профилактика қилиш йўли билан уни камайтиришга эришишдан иборат, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси катта прокурори Лайло Файзимуродова. — Ўсмирларнинг жиноятга қўл уриши энг оғир муаммолардандир. Иш режамизда энг кўп муҳокама қилинадиган ҳам ёшлар муаммолари ва уларни бартараф этиш йўлларидир. Республикада Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияси томонидан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича 2018-2019 йилларда амалга оширилган қатор ишлар натижасида улар томонидан ва уларнинг иштирокида содир этилган жиноятлар сони камайишига эришдик.

2019 йилнинг январь-март ойларида жиноятлар сони 2018 йилга нисбатан 20 тага, ушбу жиноятларда иштирок этган вояга етмаганлар сони эса 32 нафарга камайди.

Жиноятларнинг 89 таси умумтаълим мактаб ўқувчилари, 42 таси лицей ва коллеж ўқувчилари томонидан содир этилган. Шунингдек, ўрганишлар вояга етмаганлар томонидан содир этилган ўғрилик билан боғлиқ жиноят 66 тани ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонунида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолини тарғиб қилиш ҳамда ёшлар, шу жумладан вояга етмаганлар томонидан истеъмол қилинишининг олдини олишга қаратилган қатор нормалар ўз аксини топган. Булар республикамиздаги криминоген вазиятнинг яхшиланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Қийин аҳволда қолган ёшларга ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳам бизнинг вазифамизга киради. Бундай пайтларда ҳар бир ўсмирнинг бошини силаб, ғамхўрлик қиламиз ва уларни қийнаётган муаммоларни ўрганамиз. Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларимизга жойлаштирилган ва ёрдам кўрсатилган вояга етмаганларнинг сони 1025 нафарга борди.

> ФАРЗАНД УЛҒАЙТИРАЁТГАН ҲАР БИР ОТА-ОНА ЗИММАСИДАГИ УЛКАН ВАЗИФАНИ УНУТМАСЛИГИ ЛОЗИМ. ФАРЗАНДИНГИЗНИНГ ДАРДИНИ ТИНГЛАНГ, ҚАЛБИГА ҚУЛОҚ СОЛИНГ. ЎСМИР ЁШИДА ШИРИН СЎЗИНГИЗНИ, МЕҲРИНГИЗНИ АЯМАНГ. ЗЕРО, БИЗГА РАҲМАТ ОЛИБ КЕЛАДИГАН ҲАМ, ЛАЪНАТ ОЛИБ КЕЛАДИГАН ҲАМ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ЭКАНЛИГИНИ УНУТМАЙЛИК.

— Тарбияга муҳтож ёш фарзандларини қариндошларига топшириб, ўзлари чет давлатга кетаётган ота-оналар ҳам талайгина, — дейди Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани Талли ота маҳалла фаоли Дилрабо Камолова. — Улар орасида, ҳаттоки бир ёшга тўлмаган гўдагини яқинларига қолдириб, ўзга юртларга кетган оналар ҳам бор. Оила боши — эркакларнинг чет давлатга кетишини билар эдик, аммо асосий тарбияни, меҳрни бола онасидан олади-ку! Ота-онасидан меҳр, тарбия олиши керак бўлган гўдаклар, ўсмирлар бугун тоға-ю амакиларнинг қўлида қолиб кетмоқда.

Хулоса ўрнида айтадиганимиз шуки, мактаб ва коллежларда психолог хизмати йўлга қўйилаётгани — жуда хайрли иш. Одатда болалар ота-онасига айтолмаган дардини, ўйларини психологга ошкор қилади. Бу эса уларни қийнаётган муаммоларга тезроқ ечим топишда қўл келади. Психологлар кўрсатган натижаларга қараганда жиноят ва ҳуқуқбузарликка қўл ураётган болалар, асосан, нотинч, низоли, носоғлом оилаларда вояга етаётганини кўрсатмоқда. Оиладаги бундай муҳитга мослашган ёки моддий таъминотга муҳтож бола бошқалар билан кўп жанжаллашади, ўғрилик, безорилик каби жиноятларга қўл уришга мажбур бўлади. Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини вояга етмаганлар ташкил этишини ҳисобга олсак, бу жараёнда ота-она, маҳалла-кўй, таълим муассасалари, умуман, кенг жамоатчилик, барчамизнинг зиммамизда улкан масъулият борлигини англашимиз лозим. Фарзанд улғайтираётган ҳар бир ота-она зиммасидаги улкан вазифани унутмаслиги лозим. Фарзандингизнинг дардини тингланг, қалбига қулоқ солинг. Ўсмир ёшида ширин сўзингизни, меҳрингизни аяманг. Зеро, бизга раҳмат олиб келадиган ҳам, лаънат олиб келадиган ҳам фарзандларимиз эканлигини унутмайлик.

**Феруза РАҲИМОВА,**
**журналист.**

**Соғинч**

Она Ватанимиз, жафокаш халқимиз бошидан ўтган турли савдоларга кўҳна тарих саҳифалари гувоҳ. Яна шундай жонли гувоҳлар борки, уларнинг ҳаёти билан яқинроқ танишсангиз, энг қизиқарли асарни ҳам бир четга суриб қўясиз. Зеро, улар ҳаёт дафтарининг ўзи бир асар...

# "Ватандан айри кўнгилни, билингки, яйратиб бўлмас"

## Ёхуд муҳожиротдаги ўзбеклар ҳаётидан лавҳа

Чоризм истилосидан сўнг кўҳна заминимиз Туркистондаги нотинчлик 1917 йилнинг октябрь тўнтаришидан кейинги қирғинлар билан давом этди. Аҳолининг уй-жойи, ери, бутун мол-мулки тортиб олинди. Коммунизм қурамиз, ҳамма тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлади мазмунидаги шиор билан бошланган ҳаракат ниқоби остида, аслида, миллатнинг барча ҳуқуқларидан маҳрум қилишдек ёвуз ният яширин эди. Ўз эркини талаб қилганлар отилди, узоқ йилларга қамоққа ташланди. Сармоядорлар "муштумзўр-қулоқ" сифатида сургун қилинди. Халқимизнинг қанчадан қанча шерюрак вакиллари истилочиларга қарши қуролли қўзғолон кўтарган, аммо ҳарбий жиҳатдан қудратли босқинчиларга бас келолмаган. Оқибатда уларнинг кўпчилиги ватандан йироққа кетишга мажбур бўлган. Улардан бири марғилонлик Абдулҳамид Кўчар эди. У 1908 йили ана шу азим шаҳарда туғилган. Халқимиз учун ўз юртида тўғри юриб, тўғри яшашга имкон қолмагач, исломий аҳком асосида тарбия олган Абдулҳамид Кўчар 1930 йилда бувиси, аммаси ва унинг тўрт яшар қизчаси билан ҳижратга чиқиб кетади. У ўзи сингари кўплаб ватандошлар қатори аввал Тожикистон, сўнг Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Иордания, Сурия, Саудия Арабистонини сарсон-саргардон кезган. Кейин Туркиянинг Адана шаҳрига бориб, муқим яшаб қолган. Бу орада яқинларидан айрилиб, тўрт ёшли жияни билан муҳожирлик азобларини бошдан кечиради. У Шермуҳаммадбек қўрбоши, унинг укаси Нурмуҳаммадбек, Мубаширхон ал-Тирозий, Садриддинхон Муфтий Муҳаммад Шарифхўжа сингари ватандошлари билан кўришиб, эрк, озодлик ҳаракатлари фаолига айланади.

Машаққатли ҳаётига қарамасдан Оллоҳ унга улкан сабр ва қарийб юз йил умр ато этди. Тўққиз фарзанд кўриб, уларни илмли, ватансевар қилиб тарбиялади. Ўғилларидан бири бугун мамлакатимизда ҳам кўпчиликка танилиб келаётган адиб ва журналист, суҳбатдошимиз Чиғатой Кўчардир.

**— Чиғатой оға, ҳар бир инсоннинг болалиги, орзулари, хотиралари ўқилмаган асар сингари бошқалар учун қизиқ...**

— Тўғри айтасиз. Айниқса, биз каби болалиги у юртдан бу юртга кўчиш билан ўтган бўлса, янаям қизиқ туюлса керак. Мен 1946 йилда Афғонистон (Хуросон)да туғилганман. Кичиклигимда оиламиз билан Покистон, Ҳиндистон, сўнг Саудия Арабистонида яшаганмиз. 1952 йилнинг охиригача шу юртда бўлдик. Кейин Иордания, Сурия орқали Туркияга ўтиб, Адана шаҳрида жойлашдик. Бу вақтда мен олти яшар бола эдим. Мактабга беришганда, аввалига тилни ўргангунча роса қийналганман. Чунки уйда ўзбекча гаплашардик. Саудияда бўлганимизда, тўрт-беш яшар пайтим оғаларим билан араб мактабларида ҳам ўқиганман. Отам болаларим араблашиб кетишини истамайман, деб ҳаммамизни Туркияга олиб кетган. Чунки муҳожиротда энг қийини — она тилини сақлаш. Тилни сақлай билмадими, киши ўзлигини йўқотади, бир-икки авлоддан сўнг бутунлай бошқа халқларга қоришиб кетиш мумкин.

Хуллас, ўрта мактабни битириб, Истанбул университетининг аввал иқтисод, сўнг адабиёт бўлимида ўқидим. Кейин бир ярим йил ҳарбий хизматни ўтадим. Хизматдан кейин Олмониянинг Мюнхен шаҳридаги "Озодлик Радиоси"нинг ўзбек шуъбаси бош муҳаррири Вали Зуннун (асли исми Абдуллоҳ Тўлаган) таклифи билан ушбу радиога ишга кирдим. Йигирма бир йил ана шу даргоҳда ишлаб, Туркистон ва муҳожиротдаги ўзбеклар ҳаёти ҳақида эшиттиришлар, мақолалар тайёрладим.

Болалик хотираларим ҳақида гапирганда оиламизга тегишли бир одатни айтиб ўтмасам бўлмайди. Отам раҳматли бомдод намозидан сўнг, айниқса, рўзаи рамазон кунларида қайтиб ухлашга изн бермасди. Атрофларига ҳаммамизни йиғиб, бошидан ўтган воқеаларни сўзлаб берарди. Ўзбекистон, она шаҳри Марғилон ҳақида шундай тўлқинланиб гапирардики, кўз ёшларини тиёлмасди. Биз ҳам қўшилишиб йиғлардик, ота-онамизнинг ватанга бўлган соғинчини юрак-юракдан ҳис қилиб турардик. Ҳадеб фарзандларимнинг юрагини сиқавермай дердими, баъзан кулдириб ҳам турарди. Оила даврасидаги ана шундай диловар суҳбатлар сабаб биз ота юртимиз Ўзбекистонга ўзгача меҳр қўйиб ўсдик. Онам Олима ая ҳам асли марғилонлик бўлган. Тақдир уларни ўзга юртларда учраштирган. Биз оға-инилар биримиз Афғонистон, биримиз Ҳиндистон, Саудия Арабистони, яна бировимиз Туркияда туғилганмиз. Туркияда муқим яшаб қолгунча, бошқа ўлкаларда туғилганлар паспортида она юрти Туркистон деб ёзилган. Отам азбаройи ватанни қўмсайвериб, бир қизининг исмини Фарғона деб қўйган эди.

**— "Озодлик Радиоси"нинг фаолияти сиз ишлаган даврда, тахминан 20-30 йил аввал қандай бўлган? Бугун нималар ўзгарди?**

— У даврда радио ўз номи билан ватан озодлиги, ҳурлик учун кураш, миллатга, халққа нисбатан қилинган тазйиқлар хусусидаги мавзуларга эътибор қаратган. Мисол учун пахта монокулатураси, уни етиштириш машаққати, оғир меҳнатга мажбур қилинган хотин-қизлар ҳаёти, майиб-мажруҳ туғилаётган чақалоқлар, соғлиги хавф остида қолаётган ёш болалар, қуриб бораётган Орол денгизи ҳақида тайёрлаган эшиттиришларимиз, мақолаларимиз кечагидай ёдимда. Қисқаси, биз маълум бир ғоя учун ишлар эдик. Яъни мамлакат озодлигига қандай эришиш мумкин, ушбу ғояни халқаро кўламда ёйиш учун нима қилиш керак, деган савол атрофида фикр-мулоҳазалар бўлган...

**— Бугун "Озодлик Радиоси" деса, кўпчилик ҳушёр тортади, ушбу радио ҳақида бироз салбий фикр уйғонади. Бунга сабаб нима? Холисликнинг йўқлигими? Матбуот, оммавий ахборот воситаларига қўйиладиган энг асосий талаб ҳаққонийлик ва холислик эмасми?**

— Мен бу радиони анчадан буён тингламайман. Шунинг учун бир нарса дейишим қийин. Гуноҳ-савоби ўзларига, ноўрин гапириб қўймай, чунки уларнинг бугунги фаолиятидан бехабарман. Фақат битта фикрни айтишим мумкин, бир томонлама ёзилган мақола ё тайёрланган эшиттириш бу журналистик иш эмас.



Шолазиз Шоҳидоев фотоси

**— Демак, кўп йиллар меҳнат қилган даргоҳингизнинг бугунги фаолияти сизни қониқтирмайди, шунинг учун тингламай қўйгансиз...**

— Ҳа, мени қизиқтирадиган мавзулар йўқ, десам ҳам бўлади. Биз мамлакат ички ишларига аралашмасдан, аниқ ҳужжатлар, Ўзбекистонда чоп этиладиган газета-журналларга таяниб ишлаганмиз. Ўша пайтда айрим нашрларда ондасонда чиқиб турадиган ижтимоий муаммолардан хабардор бўлардик. Шунга яраша фикр юритиб, мақола, эшиттириш тайёрлаганмиз. Ҳозир қандай тартибда ишлашларидан хабарим йўқ.

**— Чиғатой оға, Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганидек, ватан ва аҳли диёрнинг қадри мусофиротда маълум бўлур. Сиз ота юртдан узоқда таваллуд топгансиз, яшагансиз. Қайси давлатни ўз ватанингиз деб биласиз?**

— Бу саволингиз билан мени йиғлатасиз...

**— Минг бор узр, оға, буни истамагандим...**

— Майли, қўяверинг. Биласизми, мен илк бор Ўзбекистонга келганимда, Чилонзор деҳқон бозорига бордиму ўзбекча сўзлашув, мулозаматни кўриб, кўз ёшларимни тиёлмадим. Бир четга ўтириб, роса йиғладим. Кейин атрофдагилар бу одам нега бундай аҳволда, жиннипинни эмасми, деб ўйламасин дедиму ўзимни қўлга олдим. Шу кунларга етказганига шукр. Раҳматли отам ҳам, биз ҳам ватанимиз Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганини кўрдик, эмин-эркин келиб-кетиш ҳам насиб этди. Буни қарангки, бир умр ватан соғинчи билан яшаб, унинг озодликка эришишини истаган, шу йўлда "Туркистонликлар ёрдам жамияти"нинг фаол аъзоси, раиси бўлган падари бузрукворим орадан 61 йил ўтиб, Ўзбекистонга келганида ажиб бир тасодиф рўй беради. Марғилонга бориб қариндош-уруғларни излаб топганлар. Бир ойлик сафарлари охирида қариндошлардан бирининг уйида ўтиришса, меҳмонхонага жиянлари кириб келиб, "Тоға, мен сизларга телевизорни қўйиб бераман, давлат раҳбари бир муҳим масала ҳақида гапиряпти", дейди. Телевизор қўйилгач, Ислом Абдуғаниевичнинг депутатлар қаршисида жон куйдириб гапираётгани маълум бўлади. Сўнг унинг "Ўзбекистон мустақиллигини эълон қиламан!", деган сўзлари янграйди. Йиғилганлардан садо чиқмагач, Биринчи Президентимиз "Нега жим ўтирибсизлар, нега қарсак чалмайсизлар?" дея қайта-қайта мурожаат қилади ва шундан сўнггина зални гулдурос қарсаклар тутиб кетади. Тўғридан-тўғри олиб борилган ушбу кўрсатувни ўз кўзи билан кўриш насиб этгани заҳматкаш отам учун яратганнинг инъоми, тортган азоблари мукофоти эди гўё. Ана шу мукофот рамзи сифатида бугун ҳам Ўзбекистон байроғи уйимизнинг тўрида туради.

**— Мамлакатимизда кечаётган бугунги ислоҳотлардан хабардор бўлсангиз керак...**

— Албатта. 2008 йилда келганимда, ривожланиш унча кўзга ташланмаган, 2013 йилдаги сафарим чоғида эса аҳвол анча яхшиланиб қолганига гувоҳ бўлдим. Ҳозирги кун ўзгаришларига қараб, мошаллоҳ, кўз қувонади. Ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар ўз самарасини бергани кўриниб турибди. Халқнинг турмуш даражаси анча юқори. Ўзбек ёшлари чет элларга ўқишга юборилияпти. Улар дунёвий билимларни эгаллаб қайтгач, жамият ривожи, ватан равнақига, албатта, ҳисса қўшади. Бундан ташқари, ўзбекистонлик ёзувчилар қаламига мансуб, айниқса, тарихий шахслар ҳаётига доир асарларни кўриб хурсанд бўлдим. Хусусан, Шермуҳаммадбек, Мадаминбек тўғрисидаги тарих ҳаққоний акс этган китоблар ўқувчилар қўлига етиб бориши мақсадга мувофиқ иш. Ёшлар ўз халқига, миллий қаҳрамонларга муҳаббатли бўлиши учун бу асарларнинг ўрни катта.

***— Ўзбекистон матбуотини ҳам кузатиб борасизми? Қайси нашрлар сизга маъқул? Бизга таклифларингиз борми?***

— Ҳа, кузатиб бораман. Фақат Аданага етиб борадиган нашрларни кузатиш имконим бор. Масалан, "Шарқ юлдузи", "Саодат", "Халқ сўзи"ни ўқийман. "Ҳуррият" билан ҳам танишман, эшитганман. Ҳар бир нашр ўз ўқувчисининг қизиқишларига қараб, мавзулар белгилаб олиши керак, деб ўйлайман. Бунинг учун, аввало, анкета-сўровнома бериб, мухлислар қизиқишларини аниқлаш керак.

Мен сизларга ҳамкорлик таклифини ҳам билдирмоқчиман. Нашрларингизда муҳожиротдаги ўзбекларнинг ўтган ва бугунги ҳаёти ҳақида туркум мақолалар бериб борилса, бунга ўзим масъул бўлардим. Бундан ташқари, ҳар йили 15-20 талаба биз томонга, Туркиядаги худди шунча ёшлар Ўзбекистонга келиб, яшаб-ўқиса, деган орзуим, таклифим бор. Бир-биримизнинг ҳаётимиз билан яқиндан танишсак, муҳожиротдаги ёшлар ота-боболари юрти — Ўзбекистонга меҳр қўйса, дейман. Яна бир таклифим — ёзувчилар ўртасидаги ҳамкорлик масаласи. Ўзбек ёзувчиларининг Туркияда бўладиган анжуманларда қатнашганидан хабарим бор. Бизга Қозоғистон ва бошқа қардош республикалардан мурожаат этишяпти, мавзулар бериб, конференцияларда маъруза қилишимиз учун таклифлар бўлиб турибди. Ўзбекистон томонидан ҳам шундай таклифлар бўлса, бажонидил қабул қилар эдик...

* * *

Самимий суҳбатингиз учун раҳмат, Ўзбекистонга хуш келибсиз, дея меҳмон ва унинг қизи Ёрқиной билан хайрлашар эканмиз, ватан ҳақидаги саволимиздан сўнг ҳар иккисининг кўз ёшларини кўриб, қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг машҳур сатрларидаги ҳақиқатга яна бир бор амин бўлдик:

***Ватандан айри кўнгилни,***
***билингки, яйратиб бўлмас,***
***Баайни банди булбулни***
***чамансиз сайратиб бўлмас.***

Бу инсон Туркистонга оид турли ҳужжатлар, журналлар, китобларни йиғиб, ноёб кутубхона ташкил этган. "Отаюртдан онаюртга келган туркистонликлар", "Чукурованинг озод этилиши курашида қатнашган туркистонликлар" сингари бир қанча китоблар нашр эттирган. "Туркистонга тегишли мақолалар" китоби учун 1994 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси таъсис этган Маҳмуд Қошғарий халқаро мукофотига сазовор бўлган. Отаси оғзидан ёзиб олиб чоп эттирган "Қулликдан ҳурликкача" бадиий-публицистик хотира китоби ёзувчи Набижон Боқий томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Китобни ўқир экансиз, 13 ёшидан рўзғор тебратиш зиммасида қолган ўсмирнинг бир инсондай яшаш учун чеккан заҳматлари ўз ватанидан бошланиб, ўзга юртларда сарсон кезиш билан давом этганига ва ниҳоят бугунги саодатли кунлар шукронасига гувоҳ бўласиз.

**Холида ФАЙЗИЕВА.**

**Учрашув**

Сўз кучи, унинг инсон қалбига улашадиган завқи, ҳарорати — далилланган ҳақиқат. Ўзида мумтоз дардни, қалб эврилишларини, руҳий кечинмаларни ифодалайдиган, олам ва одамнинг муштарак жиҳатларини тўлақонли акс эттира оладиган қудратли қурол — Сўз!

# Маржон доналаридек тизилган сўзлар

Сўз қачон дилга ҳар қачонгидан кўра яқин, инсонга таъсир ўтказиш даражаси юқори бўлиши мумкин? Қачонки, Ҳазрат Навоий айтганидек маржон доналари каби бир ипга тизилса...

Таниқли мунаққид, таржимон Иброҳим Ғафуров "Ҳаё — халоскор" китобида жуда нафис бир жумлани қўллайди: "Бурчакда ўлтирар қалбга киролмаган сўз". Айнан мана шу қалбга киролмаган сўз шоирлар наздида мақомга тушса, оқ



қоғозга бир текисда кўчирилса, шоир дарди ҳоли билан мунглиғ бир оҳанг топса, қалбга киради. Қалбга киришига эса айнан шоирлар сабабчи бўлади. Бугунги замонавий ўзбек шеъриятининг худди шундай янги оҳангга эга бўлган ижодкорларидан бири Турсун Али. Унинг ижодига қизиқувчилар талабалар орасида ҳам кўп. Айнан шу қизиқиш сабаб шоир Турсун Али яқинда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида таҳлил тўгарагининг модернизм адабиётига бағишланган навбатдаги йиғилишига таклиф этилди. Университетимиз талабалари учрашувни катта қизиқиш, жўшқин кайфият билан қарши олишди. Ушбу таҳлилда филология фанлари доктори, таниқли адиб ва мунаққид Улуғбек Ҳамдам, фалсафа фанлари доктори, адабиётшунос Дилмурод Холдоров, филология фанлари номзоди, доцент Умида Расулованинг иштирок этгани учрашувнинг ғоят қизиқарли ўтишига хизмат қилди. Суҳбат қизғин саволларга, гўзал мушоирага бой бўлди. Даврадаги кўтаринки кайфият тадбир бошидан то сўнгига қадар давом этди.

Шоир ўз шеърларини ўқишдан аввал бироз ҳазил-мутойиба ҳам қилди. У бир дўстининг "тушунарли шеърлар"ингиздан ўқинг дея маслаҳат берганини айтди, бундай самимий сўзлар давра иштирокчиларининг юзларига кулгу улашди. Ижодкор бир қанча шеърларидан намуналар тақдим этди. Бир томчи сувга қараб денгиз қудратини ҳис қилиш имконияти бўлганидек, ўқилган шеърлардан ижодкорнинг бадиий маҳорати, сиру синоатга лиммо-лим кўнглининг товланишлари сезилиб турарди. Шеърий китобларига берилган қуйидаги номларнинг ўзиёқ, масалан, "Зангори овоза", "Сокин ҳайқириқ", "Уйғоқ сукунат", "Гуллаётган юрак", "Ой япроғи" ўқувчини ҳайрат оламига етаклайди. Айтмоқчи бўлганимиз, китоб номининг ўзида сирлилик кучли, фикрлар юксак тараннумда. Инсонни ўйлантириб, унинг руҳини минг кўчага кириб чиқишга мажбур қиладиган, таг маъносини англаш учун юқори тафаккур талаб қиладиган сатрларининг таҳлили учрашувга аъло кайфият бағишлади. Талабалар томонидан шоирнинг бугунги кун шеърияти, бадиий таржима жараёни, ижодкор масъулияти ва қатъияти ҳақида қатор саволлар берилди. Турсун Али япон, хитой, вьетнам шоирларининг шеърларини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирган, "Сокин ҳайқириқ" китобига ўз ижод намуналари билан шу таржима маҳсулларини ҳам киритган. Талабалардан бири шоирнинг қуйидаги сатрларини ўқиди:

*Мен шеър ёзаяпман*
*Ҳеч ким ўқимайди биламан уни,*
*ҳатто ўқимайсан севгилим сен ҳам.*
*Бироқ*
*Сенга аталгани учун шеъримни*
*мен ўзим ўқияпман титрабэнтикиб.*

Шоир Турсун Али билан бўлган ушбу ижодий учрашув талабалар учун катта аҳамиятга эга бўлди, улар модерн шеърият нафасини, мағзини, руҳий кайфиятини яқинроқдан ҳис этдилар.

**Дурдона БУЛТАКОВА,**
**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 2-босқич талабаси.**

**Тафаккур**

**Ёлғон ... ҳақиқат билан яқин қўшнидир.**

ЦИЦЕРОН,
қадимги римлик файласуф (милоддан аввалги 106-43 йй.)

**Хасис — ҳамиша муҳтож кимса.**

ГЕРАЦИЙ,
римлик донишманд (милоддан аввалги 65-8 йй.)

**Доно кишигина, ҳамиша гарчи ўзи шеър битмасада, шеърият ва мусиқа ҳақида тўғри қарор чиқара олади.**

ЭПИКУР,
қадимги юнон донишманди (милоддан аввалги 341-270 йй.)

**Йўқчилигимиз юзасидан қиладиган барча нолаларимиз боримизга шукроналикнинг камлигидан келиб чиқади.**

Даниель ДЕФО,
инглиз ёзувчиси (1660-1731 йй.)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, фахрий журналист **Бахтиёр МАНСУРОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
*Баҳоси келишилган нархда*

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*

Адади: 2800
Буюртма — V-3424
1 2 3 4 5

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88

Топшириш вақти — 20^00
Топширилди — 20^00

*Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер А.Содиқов томонидан саҳифаланди.*

Навбатчи: Ш.Шоҳидоев. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.